

83.3(0)
Lil 27

ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ ФОЛЬКЛОРИ МАСАЛАЛАРИ

Илмий мақолалар
тўплами



CN0000032241

ТОШКЕНТ-2012

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРАИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСАНИК
ИНСТИТУТИ**

**ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ ФОЛЬКЛОРИ
МАСАЛАЛАРИ**

Илмий мақолалар тўплами

ТОШКЕНТ – 2012

Шарқ халқлари адабиётини ўрганиш, уни кенг китобхонлар оммасига етказиш шарқшуносликнинг етакчи вазифаларидан биридир. Фольклор мерос эса ҳар бир миллат адабиётида ўзига хос миллий ва анъанавий хусусиятларга эгадир. Мазкур тўплам Тошкент давлат шарқшунослик институтида давлат илмий-техника дастурлари доирасида амалга оширилаётган **Ф-1-139 «Шарқ халқлари адабиёти тарихи ва жанрлари типологияси»** номли илмий-тадқиқот лойиҳаси аъзолари томонидан тайёрланган. Тўпламга ўзбек шарқшуносларининг афғон, форс, араб, ҳинд, хитой ва корейс халқлари адабиётининг фольклор меросига доир илмий мақолалари киритилган.

Таҳрир хайъати

Филол.ф.д., проф. Маннонов А.М.

Филол.ф.н., доц. Муҳибова У.У.

Такризчилар:

Филол.ф.д., проф. Ходжаева Р.У.

Филол.ф.д., доц. Алимбеков А.

Тўплам Тошкент давлат шарқшунослик институти Илмий кенгаши томонидан 2012 йил 1 ноябрь 3-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

КИРИШ СЎЗИ

Охирги йилларда шарқшунос олимлар ўртасида фольклорга бўлган қизиқиш сезиларли даражада ортиб бормоқда¹. Бу, албатта, бежиз эмас: чунки, адабий мерос ҳақида сўз борганида биз маънавий мероснинг асосини ташкил этадиган, кўп асрлар давомида халқ учун энг асосий манбаъ сифатида хизмат қилиб келган ва халқнинг кайфияти, азалий интилишлари ва маънавият олами ўз аксини топган фольклорни назардан четда қолдиришимиз мумкин эмас.

Асрлар оша фольклор ва адабиёт ўзаро узвий боғлиқликда ва ўзаро таъсирда бўлиб келган ва фольклорнинг “сўз санъатининг ибтидоси”² бўлганлигига ва бадий асарлар учун манбаъ бўлиб хизмат қилганлигига жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Шу билан бир қаторда адабиёт фольклор ривожига ҳам таъсир кўсатган. Халқ оғзаки ижоди адабий мавзулар доирасида ривожланади, адабий манбаълардан олинган қўшиқлар фольклор қўшиқлар билан биргаликда оммавийлашади ҳамда сўз усталарининг чуқур мазмунли ибора ва афоризмлари фольклор оламига кириб бориб, мақол ва маталларга айланади.

Мазкур тўпламда Жануби-шарқий Осиё ва Яқин Шарқ мамлактларига оид материаллар асосида фольклорнинг адабиёт ривожининг турли босиқчларида тутган ўрни билан боғлиқ комплекс муаммолар ўрганилади. Тўпламда ўрта асрлар адабиётининг фольклор билан яқинлик хусусиятлари,

¹ Жумладан, қаранг, Мухтаров Т. Арабская средневековая новелла. авт. докт. дисс. Москва 1994; Маннанов А. Рошаниская литература. Фан. Ташкент 2006; Зиямухамедов Ж.- Пу Сунглиннинг сеҳрли новеллалари. авт. кан.дисс. Ташкент 2005; Мухибова УУ. Индийская агиографическая литература. Ташкент 2008; Мухтаров Т. Жанры средневековой арабской прозы (сира). Ташкент 2010; Саидазимова У. «Хон Кил Дон хақида кисса». Ўрта аср корейс насрининг намунаси. авт.кан. дисс. Ташкент 2011

² Горький М. Собр. соч. Т. 27. Москва 1953. Стр. 342

халқ оғзаки ижоди ва асотирлари таъсири остида шаклланган адабий образ, сюжет ва жанрлар масаласи кўрилади.

Мазкур тўплам Тошкент давлат шарқшунослик институтида давлат илмий-техника дастурлари доирасида амалга оширилаётган **Ф-1-139 «Шарқ халқлари адабиёти тарихи ва жанрлари типологияси»** номли илмий-тадқиқот лойиҳаси асосида бунёдга келди. Мақола муаллифлари томонидан фольклор ва адабиёт ўртасидаги ғоявий ва бадиий алоқалар масалаларининг ижодий ўрганилиши жаҳон адабий жараёнларини яна ҳам чуқурроқ англаш ва тушуниш имкониятини беради, деб умид қиладилар.

Темур Мухтаров,
филология фанлари доктори, профессор

АСОТИР, АФСОНА, ДОСТОН ЁХУД АДАБИЁТНИНГ УЧ ТУРИ ХУСУСИДА

Муҳаммаджон Имомназаров,
филология фанлари доктори, профессор

Марҳум фольклоршунос ва назариятчи олим Баҳодир Саримсоқов “Тафаккур” журналининг 1998 йил 4-сонида машҳур академик В.М.Жирмунский билан сиртдан баҳсга киришиб “Эртақ олдин яралганми ё достон?” сарлавҳали мақола нашр эттирган эди. Маълумки, В.М.Жирмунский ўзининг “Сказание об Алпамыше и богатырская сказка” асарида ўзбек халқ достонининг келиб чиқишини Олтой халқларининг пахлавонлик эртаклари билан боғлашга уринган. Б. Саримсоқов бунга эътироз билдириб, ўз мақоласида “қаҳрамонлик эпоси баҳодирлик эртаклари асосида эмас, балки, аксинча, баҳодирлик эртаклари қаҳрамонлик эпоси асосида юзага келади” деган фикрни олға суради ва ушбу ғояни далиллар билан исботлашга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, “эртақ сюжети соф бадий тўқимага, ҳаёлий уйдирмага асосланса, қаҳрамонлик ҳамда тарихий эпос халқ тарихининг нисбий аниқликдаги бадий инъикосидан иборат”. Олим ўз мулоҳазаларининг исботи сифатида “халқ эпосининг босқичли (стадиал) ривожланиш қонунияти” ҳақида сўз юритиб, ушбу тараққиётнинг уч босқичини санаб кўрсатади: 1) қаҳрамонлик, 2) романик, 3) тарихий эпос. Уларнинг биринчиси халқ тарихидаги уруғчилик-қабилачилик муносабатлари емирилиб, муайян элат ва халқнинг вужудга келиш даврида, иккинчиси - романик достонлар – “феодал муносабатлар тараққий этган, феодал давлатчилик жуда ривожланган” даврда, учинчиси – тарихий достонлар – XV асрдан кейин, яъни жаҳон тарихининг янги даври шакллана бошлаган бир пайтга тўғри келиши таъкидланади.

Бу баҳсда бизни қизиқтирган жиҳат аини халқ оғзаки ижодининг босқичли ривожланиши ва унинг тарихий тараққиёт билан боғлиқлиги масаласи бўлиб, ўзбек олимининг бундай ҳолатларга эътибори алоҳида диққатга сазовордир.

В.М. Жирмунский Олтой халқларининг пахлавонлик эртакларига генетик биринчилиқни мансуб кўрар экан, бунинг асоси улардаги мифологик элементларнинг ёрқин намоён бўлишида деб қарайди ва буни аниқ исботловчи далиллар келтиради. Бизнинг назаримизда, барча сир шу ерда. Яъни, инсоният тараққиётининг илк даври — асотир тафаккур ҳукмронлиги билан боғлиқ бўлиб, ибтидоий жамоа давридан то Қадимги дунё — буюк салтанатлар давригача башарият онгида бундай тафаккур тарзи ҳукмрон бўлган. Бунга Гесиоднинг “Теогония”си, Марказий Осиё ва Ўрта Шарқдаги “Авесто” китоби, Ҳиндистондаги “Ведалар”, қадим Миср папирусларида акс этган асотирлар, Шумер афсоналари ва бошқалар ёрқин мисол бўла олади. Ҳақиқий қаҳрамонлик эпослари ана шу саҳнада пайдо бўла бошлайди. Ҳомерга нисбат берилувчи эпоеялар, аккад тилидаги “Гильгамеш” достони, “Маҳабхарата” ва “Рамаяна”ларда асотир тафаккур тарзи ҳануз етакчилик қилади. Аммо булар асло эртак эмас. Эртак ўз номи билан эртак, эртакни биров ҳақиқат деб қабул қилмайди. Асотирга эса ўз даври одамлари ҳақиқат деб қараганлар, уни жиддий қабул қилганлар.

В.М.Жирмунский таҳлил қилган “баҳодирлик эртаклари” аслида чин маънодаги “эртак” эмаслигини Б. Саримсоқов ҳам таъкидлаб ўтади. Олтойликларнинг “Алип-Манаш”и бахши Н. Улагашевнинг тўлиқ матнида таржимаси 48 саҳифани ташкил қилувчи шеърӣ қисса бўлиб, В.М.Жирмунский ҳам уни гоҳ “поэма”, гоҳ “сказание” деб атайди. Унинг мазмунига эътибор қилинса, янги даврда афсонага айланган қадим асотир қолдиқларини эслатади. Агар Н. Улагашев вариантда, В.М. Жирмунский ўзи ҳам алоҳида таъкидлаб ўтганидек, қадим қаҳрамонлик эпосининг кўп қисмлари қисқариб кетганлиги

ҳисобга олинса, ушбу сюжетдаги асар аслида 100 саҳифадан кам бўлмаган йирик шеърӣй дoston эканлигини тасаввур қилиш мумкин.

Умунан олганда, муаммо бир мақола ҳажмида ҳал бўладиган жўн иш эмас. Аввало, инсониятнинг тарихий тараққиёти барча замон ва маконларда биртекис кечмаганлигини инобатга олинса, XX аср бошларида тоғли Олтой ўлкасидаги халқларнинг тараққиёт даражаси билан 3 мингйиллик давлатчилик тарихига эга бўлган Марказий Осиё (Турону Туркистон) халқларининг маданий такомил даражасини қиёслаш ўзи алоҳида жиддий илмий изланишларни тақозо қилади. Қолаверса, мумтоз адабиёт билан бир қаторда халқ оғзаки адабиёти ҳам кўп асрлик ўз тарихий тараққиёт босқичларига эга эканлигини, ундаги турли жанрларнинг мустақил ривожланиш йўли мавжудлигини унутмаслигимиз лозим. Бунда эртак асосида дoston яралиши, ёки аксинча, дostonнинг эртакка айланиши жузъий бир ҳолат бўлиб, ундан умумий ҳулосалар чиқариш илмий дақиқликдан узоқлаштирувчи тамойилларга сабаб бўлиши мумкин.

Яқин ўтмишдаги адабиёт тарихига оид ўқув қўлланмаларга хос бир жиҳат шу эдики, у ёки бу халқнинг ёзма адабиёти тарихига бағишланган китобнинг аввалида бир боб халқ оғзаки ижодига бағишланар эди. Бундан кўзда тутилган мақсад ҳар бир халқнинг ёзма адабиёти биринчи навбатда ўша халқнинг оғзаки ижодидан сарчашма олади, деган фикрни таъкидлаш бўлиб, бу гоё ўша давр учун расман ҳукмрон бўлган муайян дунёқарашдан келиб чиққан эди. Асли воқеликда масала бу даражада жўн эмас. Оғзаки адабиёт узоқ тарихий тараққиёт йўлига эга бўлган ҳар бир халқнинг мумтоз ёзма адабиёти билан биргама-бирга асрлар давомида тенгма-тенг яшаб, турли даврларнинг турлича шароити тақозоси билан ўзгариб ва ривожланиб келган. Муайян жамиятдаги турли-туман табақа ва тоифалар орасида мумтоз ёзма адабиётнинг ҳам, оғзаки адабиётнинг ҳам ўз ўрни ва таъсир доираси аниқ маълум

бўлган. Аслида ҳар бир халқ адабиёти нафақат мумтоз адабиёт ва халқ оғзаки ижоди, балки маълум маънода улар оралиғидан жой олган “халқ китоблари” деб аталувчи йўналишни ҳам ўз ичига олади-ки, уни рус демократик адабиётшунослигида “беллетристика” деб номланган, бугунги Ғарб адабиётида “fiction” деган алоҳида жанрга айланган адабий ҳодисага баъзи жиҳатларига кўра қиёслаш ҳам мумкин. Албатта, “fiction” жанри намуналарининг ҳар бири ўз аниқ муаллифига эга, аммо бу йўналишдаги асарларни на бадий савияси, на ижтимоий аҳамияти жиҳатидан мумтоз адабиёт доирасига киритиб бўлмайди. Бундай “кўнгил ҳуши” тарзидаги адабиёт ҳам барча асрларда мавжуд бўлган. Шундай экан, халқ оғзаки ижодига ёзма адабиёт тарихининг қандайдир “муқаддима” қисми сифатида қараш унчалик дуруст бўлмайди. Борлиқни бадий идрок этишнинг бу алоҳида йўналишларини махсус ўрганиш ва таълим тизимида ёшларга алоҳида ўргатишни йўлга қўймоқ керак бўлади-ки, бундай уринишлар илмий ва таълим доираларида аста-секин ривож олиб бораётганини ҳам инсоф юзасидан қайд этиб ўтиш лозимдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, сўз санъатининг ҳар уч тури - мумтоз ёзма адабиёт, халқ оғзаки ижоди ва халқ китоблари ёки беллетристик адабиёт ҳам Борлиқ ҳақиқатини идрок этишнинг бошқа йўналишлари - жумладан, фалсафа ва илм сингари Қадим дунё ва Ўрта асрлар оралиғида давлат ва шаҳар маданияти шаклланиши, ёзув пайдо бўлиши ва жамият ҳаётининг турли жабҳаларига ёйилиши муносабати билан моҳиятан инсониятнинг асотир тафаккур асосидаги синкретик тасаввурларидан аста-секин тармоқланиб келиб чиққан, десак, бирмунча ҳақиқатга яқин келган бўламиз. Бунда ҳар уч соҳанинг халқ ҳаётида доимо ўз муайян ўрни бўлганлиги, шу билан бирга улар доимо бир-бири билан турлича муносабатларга киришиб, ўзаро таъсирланиб келганлигини ҳам инобатга олиш керак бўлади. Биз хоҳ Европа антик даври маданиятини кузатайлик, хоҳ Жанубий Осиё (Ҳиндистон ярим

ороли ва унга ёндош ҳудудлар), хоҳ Узоқ Шарқ (Хитой, Япония, Корея ва бошқа ёндош ҳудудлар), хоҳ Яқин ва Ўрта Шарқ (Эрону Турон, Арабистон ярим ороли ва Шимолий Африка ҳудудлари) минтақа маданиятларининг қадим тарихига мурожаат қилайлик, агар масалага жиддийроқ киришсак, бундай ҳолат барча халқлар маданий тараққиётига ҳам бегона эмаслигига гувоҳ бўламиз.

Агар биргина эроний тиллар гуруҳига мансуб халқлар оғзаки адабиётига мурожаат қиладиган бўлсак, унинг мумтоз ёзма адабиёт билан тенгма-тенг асрлар давомида ривожланиб ва ўзаро таъсирланиб келганлигини, ҳудди ёзма адабиёт сингари халқ оғзаки ижодининг ҳам турли жанрлари, проза ва поэзияси, сатирик, юмористик, лирик ва эпик турлари, ўзига хос тарбиявий ва кўнгилочар вазифалари мавжудлигини кўришимиз мумкин. Албатта, турли даврларда ва турли муҳитда адабиётнинг тилга олинган уч тури турли даражада таъсир доирасига ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлганлиги маълум. Аммо ҳечқандай шароитда ҳам улар тўлиғича бир-бирининг ўрнини боса олган эмас ва бирини биридан келиб чиққан дейиш ҳам воқеликка мувофиқ бўлмайди. Демакки, нафақат уларнинг ҳар бирини, балки улардаги ҳар бир жанр ва турларни алоҳида ва тадрижий ривожланишда ўрганиш, шу йўналишдаги мукамал тадқиқотлар асосидагина илмий хулосалар чиқариш ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқ дейиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абу Муслим жангномаси. 1-2 китоблар. Т., “Ёзувчи”, 1992-1993.
2. Баҳодир Саримсоқов. Эртак олдин яратилганми ё дoston? // “Тафаккур” журнали, № 4, 1998, с. 64-68.
3. Дж.Дорри. “Амир Арсалан” и его место среди иранских народных дастанов. // Теоретические проблемы восточных литератур. М., “Наука”, 1969, с. 61- 66.

4. Жирмунский. В.М.. Тюркский героический эпос. Ленинград, “Наука”, 1974, с. 117- 348.
5. Муталова Г.С.. Ал-Джахиз – собиратель фольклора. // Шарқшунослик. №3, Т., 1999, с. 120-125.
6. Мухтаров Т. Особенности сюжета “Сират Хамза ал-Бахлеван” // Востоковедение. Сборник научных трудов № 589. Т., 1981. с. 65-71.
7. Мелетинский Е.М.. Миф и историческая поэтика фольклора. // Фольклор. Поэтичекая система. М., “Наука”, 1977, с. 23- 41.
8. Манзура Нарзикулова. “Сабъаи сайёр” достони ва Шарк мифологияси. // Адабиёт кўзгуси. №4, Т., 1998, с. 25- 28.
9. Маллаев Н.. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. Т., Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1974, с. 90-138, 231-270.
10. Мирзозода Х.. Таърихи адабиёти тожик. Китоби I (I). Душанбе, “Маориф”, 1987, с. 15-102.
11. Радциг С.И.. История древнегреческой литературы. М., “Высшая школа”, 1982, с. 27- 48.
12. Средневековая персидская проза. М., «Правда», 1986, 480 стр.
13. Типология народного эпоса. М., “Наука”, 1975, с. 12- 81, 110-127, 235-259.
14. Ҳамиджон Ҳомидов. “Авесто” ва бадиий адабиёт. // Адабиёт кўзгуси. №5, Т., 2000, с. 133- 138.
15. Шталь И.В.. Художественный мир гомеровского эпоса. М., “Наука”, 1983, с. 15- 33, 47- 72.
16. Шварц Э.А.. К истории изучения фольклора Ирана. Душанбе, “Дониш”, 1974, 168 стр.

АФҒОН (ПАШТУН) ХАЛҚИ ФОЛЬКЛОРИНИ ЎРГАНИШ ТАРИХИДАН

Абдурахим Маннонов,
филология фанлари доктори, профессор

Афғонистонда 30дан ортиқ элат ва халқлар яшайди. Шулар орасида дарийзабон, паштўзабон, туркийзабонлар сон жиҳатдан йирик халқлар ҳисобланадилар. Бу халқларнинг, жумладан, дарий, паштў ва ўзбек тилларида сўзлашувчи аҳолининг оғзаки ижодиёти ниҳоятда хилма-хил, бой шакл ва мазмунга эгадир.

Ушбу мақолада биз афғон (паштў) тилида яратилган халқ оғзаки ижодиётини тўплаш ва ўрганиш тарихи бўйича қилинган асосий ишлар ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Афғон (паштун)ларнинг фольклорини илмий ўрганишни дастлаб Англия олимлари бошлаб берган эдилар.

1815 йил Англияда афғон адабиёти, фольклори ва паштунларнинг баъзи бир урф-одатлари ҳақидаги маълумотларни биринчи бўлиб инглиз миссионери М.Эльфинстон ўзининг “Кобул қироллигининг тавсифи...”³ деган китобида берган эди. Бу китоб Англиянинг 1808 йилдаги Афғонистондаги миссияси материаллари асосида юзага келган бўлиб, ушбу миссиянинг бошлиги М.Эльфинстоннинг ўзи эди. М.Эльфинстон паштунларнинг ўша пайтдаги урф-одатлари ҳақида қимматли маълумотлар беради.

М.Эльфинстон китобида афғонлар орасида фольклор қўшиқларининг ўзига хослигини таъкидлаб, халқ ашулаларидан ташқари қасидагўйлик ва ашулага яқин фольклор намуналари борлиги ва бундай ҳолни кўпроқ деҳқонлар орасида кўрганини айтиб ўтган. Унинг таъкидлашича, афғонлар фақат фольклор намуналаринигина

³ Қаранг: Elphinstone M. An account of the Kingdom of Kabul and its Dependencies in Persia Tartury and India ect., London, 1815.

эмас, балки машхур паштузабон шоирларининг ғазал ва шеърларини ҳам куйга солиб ижро этганларининг гувоҳи бўлган.

Афгонларнинг эртакларга бўлган меҳри ҳақида М.Эльфінстон шундай ёзади: “Тушликдан кейин улар ўтириб олиб, чекишади ёки эртақ ва қўшиқ айтиш учун давра куриб олишади. Кексалар – эртақ айтишга моҳир. Афгон эртаклари подшоҳ ва вазирлар, жин ва парилар ҳақида, энг асосийси, севги ва уруш ҳақида бўлган. Уларда кўпинча қўшиқ ва шеърлар доимо панд-насихат билан якунланади. Афгонлар бу қўшиқ ва шеърлар билан ҳузур қиладилар. Нафасни ютиб тинглайдилар, тугаши биланок “яшавор” дея хитоб қиладилар ва бу билан ўз завқларини изҳор этадилар”. Унинг ёзишича, афгонлар орасида энг севиб ўқиб, тингладиган эртақ “Одамхон ва Дурханой”дир.⁴

М.Эльфінстон ўз китобида ушбу машхур эртақнинг каттагина қисмини намуна сифатида келтирган. Китобда муаллиф Европада биринчилардан бўлиб пашту тилининг грамматик хусусиятларига ҳам тўхталиб ўтган.

Аммо, М.Эльфінстоннинг ушбу маълумотлари афгон адабиёти ёки тилини махсус ўрганишга эмас, балки афгонларни Ғарбий Европа ўқувчиларига таништиришдан иборат бўлган.

Бошқа англиялик миссионер С.Т.Торберн⁵ томонидан Бану вилоятидан қизиқарли фольклор материали йиғилиб, “Бану, ёхуд бизнинг афгон чегарамиз” номи билан 1876 йилда Лондонда чоп этилган китобида паштў дoston, топишмоқ ва мақолларидан намуналар келтиради.

Афгон фольклорининг бирмунча кенг, тизимли ва ҳар томонлама тавсифи француз олими Жемс Дармстетернинг Парижда 1888-1890 йилларда чоп этилган “Афгон халқ

⁴ Ўша асар, 236-бет.

⁵ Қаранг: Thorburn, S.T. Bannu or our Afghan Frontier. London, 1876.

қўшиқлари”⁶ китобида берилган. Паштў тили ва фольклори борасидаги бу фундаментал асар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Дармстетер китобининг бир қисми пашту тилига таржима ҳам қилиниб, 1948 йилда Кобулда чоп этилган эди.

Дармстетер ўз китобида паштунларнинг баъзи урф-одатлари, халқ хонандалари ижодини етарлича тўла ёрита олган ҳамда халқ оғзаки ижодидан: топишмоқ ва мақоллар, *ландэй* (икки мисралик шеър), *алла*, *йиги-йўқловлардан* ташқари бошқа эпик ва лирик асарлар ҳақида ҳам маълумот ва намуналар берган. Китобда паштў тилидаги матн французча таржима билан бирга бериб борилган, изоҳ ва иловалар билан таъминланган.

Дармстетернинг кейин 1907 йилда А.Б.Хаввэл “Қироллик Осиё жамияти журнали”да пашту тилининг вазир лаҳжасида дostonлар чоп этган.⁷

1912 йилда Ф.Мельон тўплаган ва инглиз тилига таржима қилган ўнта афғон эртаги “Бенгал Осиё жамияти ахбороти”да пашту тилида чоп этилган.⁸

Мельон тўпламда у ёки бу эртакнинг қайси қабиладан эшитганини қайд этиб ўтган. Эртакнинг паштў тилида босилгани ва уларда шу эртакни яратган ҳар бир қабила тили хусусиятлари, яъни паштў тилининг диалекти акс этиши ҳақидаги кузатишлари нашрнинг қадрини янада оширган.

Мельон тўплаган бу эртаклар ҳам мазмунига кўра, ҳам тил нуқтаи назаридан жуда қизиқарли бўлишига қарамасдан, бошқа ҳеч қаерда, хатто Афғонистонда ҳам қайта нашр этилмаган, инглиз тилидан бошқа тилларга таржима қилинмаган.

⁶ Қаранг: Darmsteter J. Chants populaires des Afgans. Paris, 1888-1890.

⁷ Қаранг: Hawell, F.B. Some border ballads of the North-West frontier. – Journal of the royal Asiatic society, 1907.

⁸ Қаранг: Malyon F.H. Some Current pushtu folk stories. Calcutta, 1912.

1926 йилда Оллоҳободда майор К.А.Бойле кичкина ҳажмда “Нақлуна” (“Афғон мақол ва маталлари”)ни чоп этади. Барча мақол ва маталлар лотин транскрипциясида ва инглиз тилига таржимаси билан берилган (322 та мақол ва матал).⁹

Мазкур ишларнинг ҳаммаси афғон фольклорини ҳар томонлама ва чуқур тадқиқ этиш учун мустаҳкам асос бўлган катта миқёсдаги далилий материалларни ўз ичига олган эди.

Собиқ Иттифокда афғон фольклори ҳақидаги биринчи маълумотлар 1927 йилда Б.Д.Пурецкийнинг Ж.Дармстетер материалларига асосланган “Афғонларнинг поэтик ижоди” мақоласи эълон қилиниши билан пайдо бўлди.¹⁰

Паштў фольклорини собиқ Иттифокда чуқур ўрганиш ва тарғиб қилиш асосан, Иккинчи жаҳон урушидан кейин бошланди.

1945 йилда таниқли афғоншунос М.Г.Асланов афғон фольклори бўйича номзодлик диссертацияси ёқлади. Бу афғон халқ оғзаки ижодига бағишланган махсус биринчи йирик илмий ишлардан эди. Бунда у афғон фольклорида мавжуд бўлган деярли барча насрий ва шеърый жанрлар, жумладан, эртақ, достон, ривоят, мақол ва маталлар, икки мисралик *ландэйлар* ва бошқа кўпгина шеър турлари, уларнинг шакл ва мавзу доирасини кенг кўламда таҳлил қилиб берган. М.Асланов илмий ишларининг яна бир муҳим хусусияти шундаки, у ўзини фақат адабиётшунос эмас, балки йирик тилшунос эканини ҳам кўрсата билди. Жумладан, унинг номзодлик диссертациясида афғон халқ оғзаки ижоди турлари: эртақ, достон ва ривоятларни таҳлил қилар экан, уларнинг тил хусусиятлари ҳақида чуқур илмий хулосалар қилганлигининг гувоҳи бўламиз.

⁹ Қаранг: Boyle C.A. Naqluna. Some pushtu proverbs and sayings. Allahabad, 1926.

¹⁰ Қаранг: Пурецкий Б.Д. Поэтическое творчество афганцев. –М.: “Новый мир”, 1927. №4.

М.Асланов номзодлик диссертациясининг асосий натижалари алоҳида катта мақола сифатида “Афғонистон фольклори ва унинг Совет Иттифоқида ўрганилиши” номи билан 1947 йилда босилиб чиқди.¹¹

М.Г.Аслановнинг паштў адабиёти, фольклори, тили, тарихи, этнографияси ҳақидаги билимлар кўлами жуда кенг бўлган. Унинг “Афғонлар: тили ва маданияти” номли йирик мақоласи “Народы Передней Азии” номли китобда 1957 йили Москвада босилиб чиқди.¹² Ушбу мақолада М.Г.Асланов ўзини афғонлар тўғрисида ҳақиқий қомусий билим соҳибби эканлигини кўрсатган.

1946 йилда “Звезда Востока” журналида тошкентлик олим Азиз Ниалло (Станишевский)нинг “Афғон адабиёти” ҳақида қайдлар” номли кичик мақоласи эълон қилинган бўлиб, унда афғонларнинг ёзма адабиёти қатори оғзаки ижоди ҳақида ҳам умумий маълумот берилади.¹³

1955 йил Москвада “Афғон қўшиқ ва шеърляти намуналаридан” номли тўплам Н.С.Тихонов сўзбошиси билан чоп этилди.¹⁴ Тўпламда Иттифокда биринчи марта паштў мумтоз адабиёти вакиллариининг шеърлари қатори афғонларнинг оғзаки ижодиёти намуналаридан *ландэй*, *чорбайта* (тўртлик) ва бошқа турларининг шоирлар А.Адалис ва Ю.Александровлар томонидан шеърӣ таржималари жой олган эди. Бу таржималардан кейин бирин-кетин яна афғон халқ ижодиётидан бир неча таржималар рус тилида амалга оширилди.¹⁵

¹¹ Қаранг: Асланов М.Г. Афганский фольклор и его изучение в СССР. –М.: “Труды МИВ”, 1947. №5.

¹² Қаранг: Асланов М.Г. Афганцы язык и духовная культура. В кн.: “Народы Передней Азии”. –М., 1957.

¹³ Қаранг: Ниалло Азиз. Заметки об афганской литературе. –Ташкент: “Звезда Востока”, 1946, №3.

¹⁴ Қаранг: Из афганской поэзии. –М., 1955.

¹⁵ Қаранг: Песни народов Востока. –М., 1957; “Было или не было...”. Афганские нравоучительные истории и сказки. –М., 1959; Народные песни

Шу йили афғоншунос олим К.А.Лебедев саъй-ҳаракати билан рус тилида биринчи марта “Афғон эртаклари” тўплами босилиб чиқди.¹⁶ Тўпламга кирган аксарият таржималар бирмунча эркин, пашту тилидаги оригинал матнда учрамайдиган тасвирлар кўпроқ бўлганлиги учун ўз вақтида танқидга ҳам учраган эди. Аммо, айнан шу тўплам деярли тўлиғича 1956 йили М.Алиев ва А.Ғаниев томонидан рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиниб, Тошкентда кўп минг нусхада чоп этилди.¹⁷

1958 йилда Москвада “Афғонистон эртаклари ва шеърляти” номли тўплам нашр қилинди.¹⁸ Тўпламнинг сўнгги сўзида афғон фольклори, халқ шеърлятининг ўрганилиши ҳақида қисқача маълумот берилган. Шу йилнинг ўзида “Шарк мамлакатлари тили ва адабиёти масалалари” тўпламида К.А.Лебедевнинг “Афғон халқи шеърляти” номли мақоласи чоп этилди.¹⁹ Шу йили яна бир тошкентлик олима Т.Ғ.Абаеванинг “Афғон халқ оғзаки ижодиёти ҳақида” номли илмий-оммабоп мақоласи босилиб чиқди.²⁰

1961 йилда Москвада 1800га яқин афғон халқ мақол ва маталларининг рус тилига таржимаси тўплам сифатида нашр этилди. 1972 йилда “Афғон халқ эртақ ва афсоналари”²¹ тўплами (пашту тилидан таржима, тузувчи, сўзбоши ва

Эфиопии, Марокко, Афганистана, Турции, Бирмы, Непала. –М., 1961; Пословицы и поговорки народов Востока. –М., 1961; Сказки народов Востока. –М., 1962.; Песни разлук и встреч. Народная поэзия Афганистана. Пер. Н.Гребнева. –М., 1968.

¹⁶ Қаранг: Афганские сказки. –М., 1955.

¹⁷ Қаранг: Афғон эртаклари. –Тошкент, 1956.

¹⁸ Қаранг: Сказки и стихи Афганистана. –М., 1958.

¹⁹ Қаранг: Лебедев К.А. Афганская народная поэзия. – “Вопросы языка и литературы”. (Ученые записки кафедры иностранных языков института МО. Вып.№1. –М., 1958.

²⁰ Қаранг: Абаева Т.Ғ. Об афганском народном творчестве. –Ташкент: “Звезда Востока”, 1958. №10.

²¹ Қаранг: Афганские сказки и легенды. –М., 1972.

изоҳлар муаллифи К.А.Лебедевники) босилиб чикди. Тўпламдан 58 та эртак, афсона ва ҳикоятлар жой олган бўлиб, уларни ўнга яқин таниқли афғоншунослар таржима қилган эдилар. 1966 йили Душанбеда афғон ландэйлари намуналари тожик тилида ҳам босилди.²²


Ўтган асрнинг 70-йилларига келиб афғон-паштун халқи оғзаки ижодиётини илмий тадқиқ қилишга жиддий киришилди. 1973 йили “Шарқ шеърояти тизими масалалари” илмий мақолалар тўпламида проф. И.А.Дворянковнинг “Паштў шеърояти строфикаси” номли мақоласи эълон қилинди.²³ Мақола муаллифи собиқ Иттифок афғоншунослигида биринчилардан бўлиб паштун халқи оғзаки шеъроятининг энг кўп оммалашган ва тарқалган асосий поэтик турларининг строфикаси, жанри, вазни, структураси, бадийлик омилларини илмий тавсифи ва тадқиқига қўл уради. У Афғонистонда чоп этилган паштун халқ оғзаки шеърояти намуналари ва Афғонистон фольклоршуносларининг илмий ишларидан кенг фойдаланган ва рус шеършунослиги тажрибасига суянган ҳолда афғонларнинг ландэй, нимақэй, шин, халў норе, дэ кокарў гори, бобулола чорбайта ҳамда ёзма адабиётдан кириб келган мусаммат, газал, рубоий, мурабба, муҳаммас каби оғзаки шеъроят турларининг бадийлигини вужудга келтирувчи ички ва ташқи элементлари ҳақида мисоллар орқали кенг мулоҳаза юритади, назарий ва амалий хулосалар беришга ҳаракат қилади.

XX асрнинг 70-80-йилларида паштун халқи фольклори масалалари, хусусан, паштў тилида яратилган оғзаки ва ёзма қисса (достонлар)ни тўплаш ва уларни замонавий адабиётшуносликда ишлаб чиқилган назарий ёндашувлар асосида ҳар томонлама жиддий, қиёсий ўрганишга уларнинг

²² Қаранг: Намунаҳойе фольклори халқҳойе Афғонистон. –Душанбе. 1966. 247-275-бетлар.

²³ Қаранг: Дворянков Н.А. Строфика поэзии пашто. – В кн.: Проблемы восточного стихосложения. –М.: ГВЛ, 1973

925581



сюжети, поэтик структураси, хилма-хил жанрий хусусиятлари, кўшни халқлар адабиётида мавжуд қиссалар билан комплекс равишда қиёсий ўрганиш, улардаги типологик ва ўзига хослик кўринишларини чуқур таҳлил қилишга киришган йирик афғоншунос олим Г.Ф. Гирс эди.

Унинг мазкур масалаларга бағишланган биринчи мақоласи Тошкентда 1978 йилда “Афғонистон” номли илмий мақолалар тўпламида чоп этилди. Мақола “Проблемы сравнительного изучения жанрового комплекса поэмы в художественной словесности пуштунов” деб номланган эди.²⁴

Мақола афғоншуносликда илк бор паштунлар фольклоридаги қиссаларни бошқа халқлар фольклори асарларининг конкрет тарихий шароит ва жараёнларда ўзаро ўхшашлик, сюжетлари яқинлиги ва умуман, бир халқнинг фольклорида яратилган асарларни бошқа халқлар фольклори ва маданиятларига кириб келиши, уларнинг бошқа-бошқа анъаналарда ўрнашиб, ўзлашиб қолиши, шу билан бирга, ўзига хослик деталлари, элементларини сақлаб қолиши масалаларини, ўзаро синтез таъсири доирасида миллий халқ оғзаки ижодининг ёзма адабиётда янги шакл ва кўринишларда пайдо бўлган жанрлари, турларини ҳам горизонтал, ҳам вертикал алоқалар натижасида тузилиши жараёнларини комплекс ўрганишга бағишланган кенг қамровли назарий-методологик мақола бўлиб, афғонлар фольклори материаллари мисолида шарқ фольклоршунослигида янгича назарий ёндашув ва методлар ишлаб чиқишга қўйилган жиддий қадам эди.

Бу мақола Г.Ф.Гирс томонидан кейинчалик афғон халқи яратган юзлаб оғзаки қисса-дostonларни ўрганиши учун пухта концептуал назарий база ролини ўйнади ва у бу халқ орасида кенг оммалашган, асрлар давомида оғиздан-оғизга ўтиб

²⁴ Қаранг: Гирс Г.Ф. Проблемы сравнительного изучения жанрового комплекса поэмы в художественной словесности пуштунов. В кн.: Афганистан. (вопросы истории, экономики и филологии). –Ташкент: Фан, 1978. –С.39-52.

келаётган назмий ва насрий қисса - дostonларнинг кенг қамровли таҳлилига киришди, уларнинг ёзма адабиётда, шоир ва адиблар томонидан қайта ишлаб ёзилган вариантларини афгоншуносликда биринчилардан бўлиб ўргана бошлади. Унинг “Паштў адабиётида Юсуф ва Зулайҳо қиссаси сюжетининг анъанавий намуналари”,²⁵ “Афгонларнинг оғзаки адабиётида Одамхон ва Дурханой қиссаси сюжети ҳақида”,²⁶ “Вазиристон масъудларининг тарихий қўшиқлари”,²⁷ “Пари Нимбол ва Тамбол ҳақидаги қисса ва унда Юсуфзоиларнинг келиб чиқишига оид афсоналар”²⁸ каби асарлари шулар жумласидандир.

Г.Ф.Гирс юқорида зикр этилган йирик ҳажмдаги илмий мақолаларни ёзиб эълон қилиш жараёнида афгон фольклорида катта ўрин эгаллаган, XIX асрнинг 40-йилларидан XX асрнинг 20-йиллари давомида яратилган тарихий қўшиқларни монографик тарзда ўрганиб фундаментал тадқиқотни чоп эттирди.²⁹

Г.Ф.Гирснинг юқорида зикр этилган “Паштунларнинг тарихий қўшиқлари” китобида гап афгонларнинг инглизларга қарши сал кам бир аср давомида олиб борган қаҳрамонона курашини акс эттирган турли жанрлардаги халқ оғзаки қўшиқ ва шеърлари ҳақида боради. Китоб ҳажм жиҳатидан нисбатан катта бўлиб, 280дан ортиқ саҳифани эгаллайди. Унинг асосий

²⁵ Қаранг: Гирс Г.Ф. Традиционные версии сюжета о Юсуфе и Залихе в пуштунской литературе. В кн.: “Средневековый Восток (история, культура, источниковедение”. –М.: ГВЛ, 1980.

²⁶ Қаранг: Гирс Г.Ф. Сюжет об Адам-хане и Дурханий в художественной словесности афганцев. В кн.: “Афганистан: экономика, политика, история”. –М.: ГВЛ, 1984.

²⁷ Қаранг: Гирс Г.Ф. Исторические песни масудов Вазиристана. В кн.: “Памятники истории и литературы Востока”. –М.: ГВЛ, 1986.

²⁸ Қаранг: Гирс Г.Ф. Пуштунские повествования о пери Нимболе и Тамболе и отголоски в них генеалогических преданий Юсуфзаев. В кн.: “Афганистан: история, экономика, культура”. –М.: ГВЛ, 1989.

²⁹ Қаранг: Г.Ф.Гирс. Исторические песни пуштунов. –М.: ГВЛ, 1984.

қисмини хронологик тартибда жойлаштирилган уч англиз-афгон урушлари (1838-1842, 1878-1890, 1917-1919 йиллар), паштун қабилалари яшайдиган ҳудудлар Хайбар довони, Бунер, Бажаур, Дир ва бошқа жойларда давом этган қаттиқ жангларни ўзида ифода этувчи, душманларга қарши халқни сафарбар қилувчи ва унинг босқичлик ниятларини фош этувчи шеърларнинг сўзма-сўз илмий таржимаси ташкил қилади. Китоб жами катта ва кичик ҳажмдаги 211 шеърларни ўз ичига олган.

Шуни алоҳида эслатиш лозимки, оғзаки ижод тарзида яратилган бу қўшиқлар ҳозиргача бирон-бир олим томонидан тўла ҳолда на Афғонистоннинг ўзида ва на ундан ташқарида тўпланган, тематик тасниф этилган ва поэтология нуқтаи назардан атрофлича ўрганилган эди. Г.Ф.Гирс ўн йиллар давомида бу тарихий қўшиқ ва шеърларини юзлаб манбалар орқали тўплади ва уларни композицион-тематик тасниф қилди; ҳар бирининг XIX-XX асрлар орасидаги қайси бир тарихий воқеага тааллуқли эканлигини аниқлади. Асарда келтирилган қўшиқлар муаллифларининг аксарияти маълум эмаслигини ёки бу қўшиқлар маълум бир шахслар томонидан тўқилган бўлса-да, лекин халқ орасида оғиздан-оғизга ўтиб бизгача баъзан тўлиқ, баъзан эса узук-юлуқ ҳолда етиб келганлигини ёки унутилиш ҳолида эканлигини эътиборга олинса, уларни тўплаш ва аниқлаб шу ҳолга келтириш учун олимнинг заҳмати қанчалик кўп синганлигини тасаввур этиш қийин эмас.

Олимнинг заҳмати афгонларнинг тарихи, фольклори ва этнографиясини, турли шеваларини ниҳоятда дақиқ билишини кўрсатувчи омиллар фақат юқорида эслатилган қўшиқларни тўплаш ва илмий таржима қилганлигидагина эмас, балки унинг қимматини белгилаб турувчи яна икки хусусиятида, хусусан, китобнинг бутун бир монографик тадқиқотга тенг келадиган, лекин мақола деб номланган катта муқаддимаси ҳамда асар охирига илова қилинган беҳисоб тарихий воқеалар, жойларнинг, қабилаларнинг урф-одатларнинг номлари ва

характеристикаси, халқ қўшиқларини яратишда қатнашган элликдан ортиқ халқ шоирларининг ҳаётига тегишли материаллар, у ёки бу шеър ва қўшиқнинг ёзилган жойи каби жуда кўп маълумотларни қамраб олган чуқур илмий таржима ва шарҳларида намоён бўлади.

Кириш мақоласида олим пуштунларнинг *ландэй, чорбайта, бугатэй, нимақэй, касри, гори, норе, газал, қасида* каби жанр ва формалардан ташкил топган халқ тарихий шеър ва қўшиқларининг келиб чиқиши, композицияси, строфикаси, ритмикаси, қофия системаси каби масалалар, қўшиқларнинг вариантлари, бадий тасвир воситалари ҳақида атрофлича фикр юритади. Ва замонавий адабиётшунослик ва фольклоршуносликда эришилган янги назарияларга асосланган ва ривожлантирган ҳолда афғон халқи тарихий қўшиқларига оид фундаментал назарий фикрларни ўртага ташлайди. Шу билан бирга, китоб муаллифи бу қўшиқларни келажакда янада кенгроқ ўрганиш ва тўплаш методологиясини, умуман, афғон халқи поэтик ижодини ўрганишда ҳал этилмаган қатор муаммоларни кўрсатиб беради.

Шуни таассуф билан айтиш керакки, бу йирик афғоншунос олим “Пуштунские народные поэмы – касса” (проблемы сюжетосложения и поэтики) номли йирик ва фундаментал монографиясини тугаллаш арафасида 1994 йили бевақт вафот этди ва бу иши чоп этилмай қолди.

Ўтган асрнинг 80-йилларида паштунларнинг фольклори намуналари ўзбек, туркман, тожик, озарбайжон ва бошқа тилларига ҳам таржима қилина бошланди. Жумладан, юқорида зикр этилган афғон эртақларининг ўзбек тилида 1956 йилда чоп этилган биринчи таржималари тўлиқ рус тилидан амалга оширилган бўлса, 1984 йили чоп этилган ва бевосита пашту ва дарий тилларидан таржима қилинган “Афғон халқ эртақлари” тўплами А.Ғаниевнинг сўз бошиси билан ўттиз минг нусхада

нашр этилди.³⁰ Ушбу тўпламда А.Ғаниев ва Н.Маннонова томонидан пашту тилидан қилинган “Мард ва Номард”, “Шоди ва Биби”, “Жаллотхон ва Шамойла”, “Фатеххон Баретсай”, “Мусажон ва Валижон” каби эртақлар ҳамда З.Умаров ва А.Исмоилов биргаликда дарий тилидан амалга оширган 23 та эртақ ва ҳикояларнинг таржимаси киритилган эди. 1986 йили унинг 60 минг нусхадан иборат иккинчи нашри ҳам босилиб чикди.

1988 йил Озарбайжонда афғон эртақларининг Москвада 1972 йилда чоп этилган “Афганские сказки и легенды” номи тўпламига кирган эртақ ва ҳикоятлар орасидан танлаб олинган ва кўп ҳолларда қисқартирилган шаклда рус тилида “Афганские сказки и легенды” номи билан нашр қилинди. 1989 йили эса Ашхободда туркман тилида афғон эртақларининг кичик бир тўплами туркман тилида нашр этилди.³¹

XX асрнинг 50-йилларидан то 1991 йилгача Ўзбекистонда Афғонистон адабиёти ва фольклори курси Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) қошидаги Шарқ факультети Эрон-афғон бўлимида ўқитилиб келинган. Ҳозирда бу курс 1991 йилда ташкил топган Тошкент давлат шарқшунослик институтининг афғон филологияси бўлимлари талабаларига ўқитилади.

2001 йил Тошкентда биринчи марта “Афғонистон халқлари фольклори ва мумтоз адабиёти”³² (152 бет) китоби босилиб чикди. Китобда Афғонистондаги паштў ва дарий ёзма адабиёти тарихи қатори бу тиллардаги халқ оғзаки ижодиёти ҳақида алоҳида боб ажратилган бўлиб, паштунлар фольклорининг асосий насрий ва назмий турлари ҳақида, уларнинг жанр ва бадий хусусиятлари, сюжет ва композицияси ҳақида сўз юритилади.

³⁰ Қаранг: Афғон халқ эртақлари. –Тошкент: Радуга, 1986.

³¹ Қаранг: Мерт ве Намерт. –Ашгабат, “Магарыф”, 1989.

³² Қаранг: Маннонов А. Афғонистон халқлари фольклори ва мумтоз адабиёти тарихи. Тошкент, 2001.

Афғон (паштун) халқининг бой оғзаки ижодини ўрганиш Афғонистоннинг ўзида XX асрнинг иккинчи чорагидан бошланди. Мамлакатнинг айрим маърифатпарварлар олим ва шоирлари ўз халқининг қадимий адабиёти қатори унинг оғзаки ижоди билан ҳам қизиқа бошладилар, уларни тўплаш ва оммалаштиришга киришдилар. Айтиш мумкинки, бу ишларнинг сарчашмасида таниқли маърифатпарвар шоир ва адиб, жамоат арбоби Ғулом Муҳайиддин Афғон турган (1891-1921). У биринчилардан бўлиб, афғон маърифатпарвар адабиётининг асосчиси Маҳмуд Тарзий (1867-1935) томонидан таъсис этилган “Сироҷ ул-ахбор” газетасининг саҳифаларида биринчилардан бўлиб паштў мақол ва маталлари намуналарини чоп эттирган эди.

XX асрнинг 30-йилларига келиб Кобулда “Анжўмани адабий” (“Адабий анжуман”) ташкилоти вужудга келди ва ўзининг “Кобул” номли журналин босиб чиқара бошлади. Журнал саҳифаларида дарий адабиётидан намуналар ва унга оид кўплаб мақолалар қатори баъзи паштў халқ оғзаки ижоди намуналари ҳам учрар эди.

1933 йилда Қандаҳорда “Анжўмани паштў” (“Паштў адабий анжумани”) ташкил топди ва ўзининг “Паштў” журналин чиқара бошлади. Айнан шу журналда мунтазам равишда паштў фольклоридан намуналар берилга бошланди.

1936 йил паштў тили расмий Давлат тили деб эълон қилинди. Мамлакатда паштў тилини дарий тили билан бир қаторда иккинчи расмий Давлат тили сифатида жорий этилиши бу тилдаги ёзма адабиёт билан бирга унинг оғзаки ижодиётини мунтазам равишда ўрганишга ҳам катта йўл очилди.

1937 йил юқорида зикр этилган жамиятлар бирлаштирилиб, Афғон академияси ташкил этилди ва у “Паштў тўлэна” деб номланди. “Паштў тўлэна”нинг ташкил топиши Афғонистон тарихи, тиллари ёзма ва оғзаки адабиёти, маданиятини ўрганишда муҳим тарихий воқеа бўлди.

40-йилларда бу Академияда тўпланган йирик олимлар, жумладан, Аминулло Змарёлай, Абдулхай Ҳабибий, Сидикулло Риштин, Гулпачо Улфат, Абдурауф Бенаво ва бошқалар афғон мумтоз адабиёти ва фольклорини ўрганиш ва тарғиб қилишда катта жонбозлик кўрсатдилар.

Афғон Академияси “Кобул” ойлик журнали ва “Солномаи Кобул” йилномасини босиб чиқара бошлади. Бу нашрлар саҳифаларида кўплаб фольклорга оид материаллар, мақоллар, эртаклар, афсоналар ва халқ шеърятидан намуналар тез-тез босилиб турди.

1940 йилда афғон фольклори намуналарини тўплаш ва ўрганиш ишида катта бурилиш юз берди. Айнан шу йили (1381 хижрий) афғон мақол ва маталлари (231 та) тўплами Аминулло Змарёлай ва Муҳаммад Қодир Таракий томонидан Кобулда “Паштў тўлэна” нашриётида илк бор чоп этилди. Афғон эртакларининг илк намуналари ҳам шу йили афғон фольклоршунослигининг асосчиси Муҳаммад Гул Нурий томонидан тўпланиб “Миллий ҳиндора” (“Халқ кўзгуси”) номи билан (1-жилд) босилиб чиқди. Унда бевосита халқ тилидан ёзиб олинган 7та машҳур эртак жой олган эди.

М.Г.Нурий Афғон академияси - “Паштў тўлэна”нинг ташаббуси билан “Миллий ҳиндора”нинг биринчи жилдига кирмаган янги 7 эртак ва афсонадан иборат иккинчи жилдини ҳам нашр этди. Шу йили бу олим яна бир муҳим тўпламни чоп этишга муваффақ бўлди. Бу икки мингга яқин афғон мақол ва маталлари тўплами эди. Тўплам муаллифи ушбу мақол ва маталларни ўн минглаб халқ орасидан йиққани ва бу мақоллар халқ орасида асрлар давомида оғиздан-оғизга ўтиб келаётган мақол ва маталларнинг кичик бир қисми эканлигини таъкидлаган эди.³³

М.Г.Нурийнинг бу тўпамидан кейин Афғонистон ва Покистонда афғон мақол ва маталларининг турли ҳажмдаги

³³ Қаранг: Маталуна. Тўлавункай: Муҳаммад Гул Нурий. Кобул, “Паштў тўлэна”, 1327 хижрий (1948 й.). –Б.150.

бир нечта тўпламлари босилиб чиқа бошлади.³⁴ 1943 йил М.Г.Нурийнинг “Солномаи Кобил”да яна бир муҳим “Паштў миллий афсоналарига бир назар” номли катта мақоласи эълон қилинди.³⁵ Олим биринчилардан бўлиб, афгон афсоналарининг халқ ҳаётидаги ўрни ҳақида сўз юритиб, уларни зудлик билан тўплаш ва оммалаштириш масаласини қўйди.

50-йиллар афгон халқ оғзаки ижодиётини ўрганиш ва намуналарини чоп этиш борасида сермахсул йиллар бўлди. 1953 йилда босилиб чиққан “Афгон қиссалари”, 1955-57 йиллар орасида чоп этилган Муҳаммад Гулоб Нанграҳорайнинг икки жилдлик “Афгонлар армони” тўпламлари эди.³⁶ Шу йиллари таниқли шоир ва жамоат арбоби Абдурауф Бенаво томонидан пашту *ландэй* – иккиликларининг дарий ва инглиз тилига таржималари билан (жами: 169 та) босилиб чиқди. Тўпламнинг ҳар бир саҳифасига битта *ландэй* ва унинг дарий ва инглиз тилларидаги таржимаси

³⁴ Қаранг: Маталуна. Тўлавункай: Муҳаммадин Жвок. Кобул, “Паштў тўлэна”, 1344 ҳ (1966 й.); Имсол ау хакам. Толавункай: Иноятулла Шахроний. Кобил, “Байхақи”, 1354 ҳ (1976); Специли Гойуна. Тўлавункай: Сиёл Кокар, Кветта, 1969; Паштў маталуна. Чон ау дари жебора: Абдурауф Бенаво, ингризи жебора: Абдулмуҳаммад Шинворай. Кобул, Давлати матбаа, 1979 й. (ушбу тўпламдаги паштў мақоллари дарий ва инглиз тилларига таржималари ва у ёки бу паштў мақоли қайси маънода ва қайси ҳолатда ишлатилишга мисоллар билан қисқача тафсилий шарҳлар ҳам берилган); Дэ двў дўстў хиводунў улуси пўха. (Крылатая мудрость двух дружественных стран). Кобул, Давлати матбаа, 1984. Шунингдек, Кобулда паштў ва дари тилларида ўхшаш мақол ва маталлар тўплами ҳам чоп этилди.

³⁵ Қаранг: Нури, Муҳаммад Гул. Дэ паштў пэр милли афсонў йава катэна. – “Солномаи Кобул”, 1321 ҳ. (1942-43 йиллар).

³⁶ Қаранг: Паштў қиссе. “Паштў тўлэна”, Кобул, 1953; Паштўнай армон. Тўловункай: Нанграҳорай, Муҳаммад Гулоб. Кобул, лумрай тўк – 1955 кол, дваҳим тўк – 1957 кол.

жойлаштирилган ва ҳар бир саҳифа афғон халқи ҳаётига оид расм ва безаклар билан ишланган эди.³⁷

1955-56 йилларда афғон фольклоршунослигида катта воқеа “Афғон халқ қўшиқлари” икки жилдининг босмадан чиқиши бўлди. Унинг биринчи жилдини Муҳаммаддин Жвок, иккинчисини эса Муҳаммад Замир Сопай тайёрлаган эди.³⁸

Ушбу “Афғон халқ қўшиқлари” тўпламига паштунлар манзумий оғзаки ижодиётининг барча турларининг, жумладан: *ландэй, дэ атан норе, бобулола, дэ шин холў норе, дэ кокарў горе, чорбайта, нимақэй, бўғатэй* ва бошқа юзлаб, минглаб намуналари киритилган, лозим бўлган жойларида изоҳлар берилган.

50-йилларнинг охири XVII-XVIII аср афғон мумтоз шоири Садрхон Хатак томонидан қайта ишланган машхур халқ эртаги “Одамхон ва Дурханой” биринчи бор Пешоварда чоп этилди.³⁹

1960-62 йиллар орасида халқ орасида оғизга тушган шоир Сулаймон Лойиқ ўз халқи оғзаки ижодига оид “Кобул” журналида эҳтиросли иккита мақоласини: “Унитилган нағмалар” ва “Паштў тили ва халқ адабиёти” номлари билан чоп эттирди.⁴⁰

Шу йиллар давомида “Кобул” журналида ёзувчи Садуддин Шпуннинг “Паштў халқ оғзаки ижодига бир назар” ҳамда

³⁷ Қаранг: Ландэй. Чон кавункай ау форси мутаржим: Бенаво. Инглиси таржима: Иброҳим Шарифи. Кобул, Аскари матбаа, 1337 х. (1958 й.).

³⁸ Қаранг: Паштў сандэри. Лумрай тўк. Муҳтамин: Муҳаммадин Жвок. Кобул, “Паштў тўлэна”, 1955 кол.; Паштў сандэри. Дваҳим тўк. Муҳтамин: Муҳаммад Замир Сопай. Кобул, “Паштў тўлэна”, 1956 кол.

³⁹ Қаранг: Хатак, Садрхон. Одамхон-Дурханой. Пешовар, 1959.

⁴⁰ Қаранг: Лойиқ, Сулаймон. Ҳери шэве нағме. – “Кобул”, №460, 1960; Лойиқ, Сулаймон. Паштў ау улуси адаб. – “Кобул”, №512, 1962.

таниқли олим Давлат Муҳаммад Лўдиннинг “Сайфулмулук киссаси” номли мақолалари эълон қилинди.⁴¹

70-йиллар ҳам афғон халқ оғзаки ижодини ўрганиш ва намуналарини тўплаб чоп этиш бўйича муваффақиятли давр бўлди. Айнан шу йиллари таниқли афғон олими Хабибулло Рафининг афғон фольклорига бағишланган 322 бетлик йирик тадқиқий асари: “Афғон халқ шеърляти ва фольклорига оид изланишлар”⁴² номи билан босилиб чиқди. Китоб фольклоршунослик масалаларига, жумладан, унинг келиб чиқишида олимларнинг қарашлари, халқ оғзаки ижодини ўрганиш марказлари, фольклоршуносликка асос бўладиган манбалар каби масалалар атрофида баҳс юритиш билан бошланади.

Китобнинг асосий қисми паштў халқ шеърлятининг турлари характеристикасига, уларнинг “ички” поэтик имкониятлари, бадий тасвир воситалари хусусиятларини очишга қаратилган. Тафсилотлар нисбатан қисқа бўлса-да, уларда талайгина янги назарий фикрлар ҳам кўзга ташланди. Муаллиф, шунингдек, халқ ҳунармандчилиги, урф-одатлар, халқнинг яшаш тарзи, касби-кори билан боглиқ маросим қўшиқлари, уларнинг ижро усуллари ва иштирокчилари ҳақида ҳам чуқур билимдонлик билан сўз юритади.

1974 йили “Фўклўр” журналида шу олимнинг фольклоршунослик атамаларига бағишланган мақоласи ҳам чоп этилди.⁴³ Умуман, Хабибулло Рафи афғон фольклорини

⁴¹ Қаранг: Шпун, Садуддин. Дə паштў улуси адаб та йава катэна. – “Кобул”, №532/533, 1964; Лўдин, Давлат Муҳаммад. Дə Сайфулмулук кисса. – “Кобул”, №529, 1963.

⁴² Қаранг: Рафи, Хабибулла. Дə халқў сандэри ау дə фўклўр пə боб ланда церэна. Кобул, “Давлати матбаа”, 1970.

⁴³ Қаранг: Рафи, Хабибулла. Фўклўри комус. // “Фўклўр”. Кобул, №1, 1352 х (1973 й.)

ўрганиш ва тарғиб қилишга бағишланган кичик-кичик мақолалари кўплаб газета ва журналларнинг саҳифаларида тез-тез учраб туришини ҳам эътироф этиш лозим.

Паштў халқ оғзаки ижодини илмий ўрганишда бошқа бир олим Дўст Муҳаммад Шинворайнинг хизматлари ҳам катта бўлган. Бу филолог олимни афғон фольклоршунослигида машҳур қилган асари “Афғон халқ адабиётининг чорраҳалари” дастлаб 1978 йилда Кобулда, кейин 2006 йилда Пешоварда қайта нашр этилди.⁴⁴

Дўст Муҳаммад Шинворай Афғонистонда том маънодаги замонавий фольклоршунослик асосларини аввалгилардан кўра чуқурроқ ва атрофлича ёритган, ғарб, хусусан, рус фольклоршунослигида эришилган назарий ва методологик қарашларни назарга олган ҳолда уларни афғон фольклоршунослигига татбиқ этишда самарали ҳаракат қилган биринчи олимлардан ҳисобланади.

Монографияда фольклоршуносликда Ғарб ва Шарқ олимларининг қарашлари обзори, афғон фольклорининг қадимий илдизлари, манбалари, бу фольклорни ўрганишда мамлакат олимларининг хизматлари ҳақида қисқа кузатишлар қилинади ва асосий эътибор оғзаки адабиётнинг халқ ҳаётидаги ўрни, аҳамияти, афғон фольклорида халқпарварлик, байналминаллик, инсонпарварлик ғояларининг тажассуми масалалари, эртақлар, афсоналар, қиссалар ва оғзаки ижодиётнинг бошқа тур ва жанрларининг шакли, ўрни, ижтимоий аҳамияти каби масаллар кузатилади ва хулосалар берилади. Шунингдек, афғон халқи оғзаки ижодиётининг бир неча намуналарининг жанрий хусусиятлари, поэтик ўзига хослиги ва вариантлари таҳлилига ҳам алоҳида аҳамият

⁴⁴ Қаранг: Шинворай, Дўст Муҳаммад Дўст. Дз паштў улуси адаб лоре. Кобул “Паштў тўлэна”, 1973 кол ва Пешовар, 2006 кол.

берилган. Ўз вақтида бу марҳум олимнинг ушбу китоби Афғонистон фольклоршунослигининг салмоқли ютуғи сифатида баҳоланган эди.

70-йилларда паштў фольклорига тегишли яна бир неча мақолалар⁴⁵ ҳамда Муҳаммадин Жвонкиннинг “Кечаги кўзгу”, Сидиқилло Риштиннинг “Паштў қисса”лари мажмуалари чоп этилди.⁴⁶

1973 йили Афғонистон фольклоршунослигида яна бир муҳим воқеа содир бўлди. Шу йилдан эътиборан Афғонистон ахборот ва маданият вазирлиги қошида “Афғонистон фольклоршунослари анжумани” ташкил топди ва унинг биринчи раиси сифатида таниқли олим, академик Муҳаммад Сиддиқ Руҳий тайинланди.

Ушбу анжуман ўз олдида Афғонистон халқларининг, шу жумладан, паштунларнинг турли маросим ва маросим билан боғлиқ бўлмаган оғзаки ижодиёти намуналарини чоп этиш, халқ урф-одатлари, халқ спорт ўйинлари, байрам ва тўй маросимлари, *атан* номли паштун халқи рақслари, мусиқа асбоблари, халқ драмалари, қўғирчоқ ўйинлари, кийим-кечаклари, таомлари, меҳмондўстлик, мардлик, донишмандликка оид ҳамда меҳнат қуроллари ва ҳоказоларни тўплаш, йиғиш, уларнинг музейларини ташкил этиш ва, энг муҳими, уларнинг тарихи ва ҳозирги ҳолатини ўрганишнинг назарий ва амалий методларини ишлаб чиқиш, бошқа халқлар, хусусан, қўшни мамлакатлар аҳолисининг оғзаки ижодиёти билан Афғонистон халқлари оғзаки ижодиётини қиёслаш,

⁴⁵ Қаранг: Нангёлай “Дэ паштў улуси адаб”. – “Кобул”, №631, 1972; Дардманд, Абдулманнон. Пэ фўклўри адаб ки тарихи хотирот. “Зерай” газ. Кобул, 12 июнь, 1974.

⁴⁶ Қаранг: Паруне ҳиндора. Дэ афсонў мажмуа. Тўлавункай: Жвонк, Муҳаммаддин, 1978 (чоп этилган жойи номаълум); “Паштў қиссе. Тўлавунки: Риштин, Сидиқулло ау Жарор, Фулом Раҳмон. Кобул, 1979 кол.

таржима қилиш каби илмий-тадқиқий масалаларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Анжуман дастурида белгиланган ишларни, вазифаларни, бевосита ёритиб бориш учун паштў ва дарий тилларида икки ойлик “Фўлклўр” номи билан илмий-оммабоп журналини чоп этиш йўлга қўйилди. 1979 йилда эса ушбу анжуман томонидан “Халқ маданияти” (“Фарҳанге мардўм”) журнали ҳам таъсис этилди ва иккала нашрда дарийзабон, паштузабон, ўзбекзабон, ҳазора, туркман ва бошқа халқ ва элатларнинг оғзаки ижоди, урф-одатлари ва бошқа фольклорга оид мақолалар, ёзиб олинган шеърлар, дostonлар, эртакларнинг кўплаб намуналари каби материаллар мунтазам босилиб турди.

Афгонларнинг фольклорини ўрганиш ва оммалаштириш бўйича 80-йилларда ҳам бир неча муҳим ишлар чоп қилинди. Жумладан, 1980 йилда Кобул университети ўқитувчиси Абдулкарим Патанг томонидан бир қатор мақолалар ҳамда “Дэ грэнў цўвке” (“Тоғлар чўққиси”)⁴⁷ номи билан паштунлар оғзаки ижодига оид ўқув қўлланмаси яратилди. Шу йили тил ва адабиётни ўрганиш марказининг таниқли олимларидан Али Муҳаммад Мангал “Фольклор гуллари”, (“Фўлклўри гулуна”)⁴⁸ номли бир неча йиллар давомида изланишлар олиб бориб тугатган салмоқли китобини нашр этди. Китобда асосий эътибор, гарчи паштунларнинг ўзига хос урф-одатлари, турли хил маросимларининг келиб чиқиш илдизлари, турли қабилалар орасида уларнинг хилма-хил кўринишларини ўрганишга қаратилган бўлса-да, мана шу урф-одат ва маросимлар билан бевосита боғлиқ халқ қўшиқлари, уларнинг

⁴⁷ Қаранг: Патанг, Абдулкарим. Дэ грэнў цўвке”. Дэ Кобул пўхантун, дэ адабиёту факулте хпаравэнў ца. Кобул, 1359 х. (1980 й.); Паштў манзуми киссе. – “Зерай”. Кобул, 16.IX. 1957.

⁴⁸ Қаранг: Мангал, Али Муҳаммад. Фўлклўри гулуна. Кобул, Дэ Афғонистон дэ улуму академи, 1360 х. (1981 й.).

ижро тарзи ҳақида анча кенг тадқиқий ишни амалга оширишга муваффақ бўлди.

1981 йили академик Муҳаммад Иброҳим Атои афғон оғзаки ижодиётининг академик наشري, уни ўрганишнинг фундаментал асосларини белгилашга қаратилган чуқур илмий мақоласи олимларнинг катта эътиборини тортди.⁴⁹

1984 йили заҳматкаш олим Залмай Ҳиводмал қаламига мансуб “Халқ кўшиқлари” китоби нашр этилди.⁵⁰ Китобда асосан, паштў халқ оғзаки ижоди турларига кирувчи шеърларнинг шакл ва мазмуни борасида сўз юритилиб, асосий эътибор ушбу халқона шеърларни оғзаки тарзда яратган 140га яқин халқ шоирлари – бахшиларининг ҳаёти ва ижоди, уларнинг ижодий “лабораторияси” ҳақида кўп йиллар давомида тўплаган, таҳиқ қилган материаллари асосида ўз кузатишларини ёзади. Муаллифнинг таъкидлашича, бу халқ ичидан чиққан шоирларнинг аксарияти саводсиз бўлган.

Ҳиводмалнинг ушбу китоби Афғонистоннинг йирик олимлари Абдулҳай Ҳабибий ва Мир Ҳусайн Шоҳ томонидан ёзилган тақризларида афғон халқ оғзаки ижодиётини ўрганишга қўшилган салмоқли ҳисса сифатида баҳоланди.

1985 йили таниқли шоир ва адабиётшунос Абдулла Бахтонай (Ҳидматгор)нинг “Кобул” мажалласида “Пўштў тилидаги оғзаки адабиётнинг ранги, таъми ва гўзаллиги” номи билан катта мақоласи эълон қилинди.⁵¹ Олим ўзининг асосий эътиборини афғон халқ оғзаки ижоди, кўпроқ шеъриятининг бадий олами, халқ шеърларининг, хусусан, *ландэй*, *чорбайта*,

⁴⁹ Қаранг: Атои, Муҳаммад Иброҳим. Дэ паштў фўлклўрик адаб академик церэна. – “Кобул”, №736/737, 1981й.

⁵⁰ Қаранг: Ҳиводмал, Залмай. Улуси сандэри. Кобул, “Паштў тўлэна”, 1361 х. (1984 й.).

⁵¹ Қаранг: Бахтонай, Абдулла (Ҳидматгор). Паштў шифоҳи адаб ранг, хванд, шоист. – “Кобул”, №776, 1363х. (1985 й.).

назмий қиссалар ва бошқа турларининг бетакрор, фақат уларгагина хос бўлган бадий унсурлари, юксак даражадаги тасвирий маҳорат, образлилик масалаларига қаратади. Мақолада олим *чорбайта, сурукай, ландэйларнинг* жозибадорлигини ошишида муסיқавий ижроларнинг ўрни ҳақида ҳамда халқ шеърларининг турли қабилалар орасида турлича аталиши, вариант масалалари бўйича ҳам ўз қарашларини билдиради. Шу йили Афғонистон фанлар академияси Тил ва адабиёт маркази “Паштў тўлэна” томонидан яна бир катта салмоқли нашр амалга оширилди. Бу паштў оғзаки ижодиётининг энг оммабоп ва гўзал, афғон фольклорининг гултожи ҳисобланган икки мисрали *ландэйларнинг* 12 мингга яқин намунаси академиянинг бир неча олимларининг заҳмати ўлароқ тўпланиб нашр этилишидир.⁵² Шу давргача *ландэйларнинг* бу ҳажмдаги нашри бўлмаган эди. Ушбу нашр туфайли *ландэйлар* борасида кенг қамровли илмий тадқиқот ишларига ҳам катта имконият, замин яратилди. Тўпламнинг бош қисмида шоир Сулаймон Лойикнинг 60 бетлар ҳажмидаги *ландэй* таҳлилига бағишланган салмоқли таҳлилий мақоласи ҳам жой олган.

1987 йили Афғонистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт маркази ташаббуси билан Кобулда биринчи марта мамлакатнинг 15га яқин таниқли адабиётшунос, тилшунос, фольклоршунос олимлари, шоир ва ёзувчиларнинг паштў ва дарийзабон халқлари фольклорининг долзарб муаммоларига бағишланган йирик симпозиуми бўлиб ўтди. Симпозиумда қилинган маърузаларда халқ оғзаки ижодини ўрганишнинг мамлакат маданий ҳаётидаги ўрни, уларни тўплаш, чоп этиш, замонавий фольклоршунослик назариялари асосида таҳлил қилиш, таснифлаш, бадий, ғоявий хусусиятларини, халқона

⁵² Қаранг: Паштў ландэй. “Паштў тўлэна”, 1364 ҳ. (1985 й.).

шакл ва тасвир воситаларини очиш, оғзаки ва ёзма адабиётнинг ўзаро таъсири, халқ ижодиёти намуналарини юқори савияда тилларга таржима қилиш, оммалаштириш, уларнинг поэтик ва насрий турларининг академик нашрига эришиш, қишлоқ, узоқ-узоқ тоғли туманларга экспедициялар уюштириш, қиёсий фольклоршуносликнинг аҳамияти каби масалалар кўтарилди. Ушбу симпозиумда бир қатор хорижий фольклоршунослар ҳам ўз маърузалари билан чиқдилар. Шу йилнинг ўзида симпозиумнинг асосий маърузалари матни алоҳида тўплам ҳолида чоп ҳам этилди.⁵³

Шу йилнинг охирларида Афғонистон фольклоршунослигини, хусусан, паштў фольклоршунослигини фан сифатида асосларини яратишга қаратилган биринчи йирик уриниш бўлди. Бунга Афғонистон фанлар академиясининг академиги Муҳаммад Сиддиқ Рухийнинг “Фўлклўр пежандэна” (“Фольклоршуносликка кириш”) ⁵⁴ номли 182 бетлик монографияси асос бўлди. Муаллиф, аввало, фольклор нима, унинг дунё адабиёти ва маданиятидаги ўрни ҳақида атрофлича сўз юритиб, Европа ва Россия олимларининг бу масалага бўлган нуқтаи назарлари билан таништиради. Паштў фольклоршунослигида эришилган, қўлга киритилган ютуқларига хулоса ясашга ҳаракат қилади. Монографиянинг афғон фольклоршунослари учун энг муҳим масалалари унинг тўртинчи ва бешинчи бобларидир. Бу бобларда муаллиф методолоғия муаммолари ҳақида баҳс юритиб, халқ оғзаки ижодиётини - бу сеҳру-жодугарлик, урф-одатлар, маросимлар ёки халқ санъати бўладими, адабиётнинг шакл ва мазмуни

⁵³ Қаранг: Дэ фўлклўр пўҳэни симпўзиум. Дэ ликволў мақоле мажмуа. Тўлавэна ау тартиб: Залмай Ҳиводмал. Кобул, “Паштў тўлэна”, 1366 х. (1987 й.).

⁵⁴ Қаранг: Рухий, Муҳаммад Сиддик. Фўлклўр пежандэна. Кобул, дэ жэбў ау адабиётў марказ, “Паштў тўлэна”, 1365 х. (1987 й.).

масалалари бўладими – ўрганиш учун аниқ ёндашув ва қабул қилинган, пишиб етилган назарий позициялардан келиб чиққан ҳолда тадқиқотга киришиш лозимлиги масаласини мисоллар билан атрофлича кўрсатиб беради.

Монографиянинг охириги - олтинчи боби паштунларнинг фольклорига бағишланган. Жумладан, бу бобда муаллиф паштунларнинг оғзаки адабиёти бениҳоя ўзига хос, бошқа халқларда мутлақо учрамайдиган тур ва жанрларга бой эканлиги, уларнинг мундарижаси, шакли ва бадиият омиллари ҳақида қисқа хулосалар беради.

Шунингдек, М.С.Рухий халқ оғзаки ижодиёти намуналарини илмий таснифлаш, ёзиб олиш системаси, методологиясини йўлга қўйиш, фольклор адабиётини ўқитиш, ёшларга ўргатиш, халқ шоирлари, оқинлари, ошиқлари, бахшилари ижоди, репертуарини ўрганиш, умуман, афғон фольклоршунослигини жаҳон фольклоршунослиги даражасига олиб чиқиш муаммоларига қайта-қайта урғу беради. Ҳозирда бу китоб Кобул университети Адабиёт факультети талабалари учун асосий қўлланмалар сирасига киритилган.

80-йилларнинг охирида Афғонистон Фанлар академиясининг олима аёлларидан Ғутэй Ховре томонидан паштў фольклорига бағишланган “Паштў оғзаки адабиёти: шакл ва мазмун масалалари”⁵⁵ номли асари нашр этилди.

Дарҳақиқат, бу 250 бетлик мазкур китобда бош мақсад афғон халқ оғзаки адабиётини шаклий ўзига хосликлари ва мазмунан бой адабиёт эканлиги масалаларини атрофлича ёритишга киришилган. Гарчи бу асарда таҳлилга киритилган жанрларнинг шакли, таснифи масаласи аввалги фольклоршунослар томонидан кўп марта қўйилган бўлса-да, китобга

⁵⁵ Қаранг: Ғутэй Ховре. Дə паштў шифоҳи адабиёт шакл ау мазмун. Кобул. “Паштў тўлэна”, 1366 ҳ (1988 й.).

тақриз ёзган академик М.С.Рухий Ғутэй Ховренинг бу борадаги изланишларини юқори баҳолайди. Академикнинг фикрича, китоб муаллифи ўз тадқиқоти жараёнида афғон халқ оғзаки ижодиётига мансуб 78 турни ўрганиб чиққан ва уларнинг 31таси шеърий турлар бўлса, 12 таси насрий турлар деган фикрни айтган. Тақризда таъкидланишича, бу асаргача ҳеч ким халқ асарларининг бунчалик кўп шаклий таснифини ва унга яқин мавзулар доирасини чуқур таҳлил этмаган. Шунинг учун ҳам бу тадқиқот пашту фольклорининг ўзига хос энциклопедияси даражасидаги асардир.⁵⁶

Афғон халқи оғзаки ижодиётини ўрганишга, оммалаштиришга бағишланган кўплаб кичик ҳажмдаги мақолалар, эсселар, шингил илмий ахборотлар мамлакатнинг турли журнал, газета, ҳафталик жаридаларида ҳам бот-бот босилиб турган. Жумладан, “Кобул”, “Важма”, “Жвандун”, “Ориёно”, “Адаб”, тўрт тилдаги “Паштў”, “Зерай”, “Анис”, “Ислоҳ” ва бошқа номларда нашр этилган журнал ва газеталарда, вилоятларда нашр қилинган ахборот воситаларида чоп этилган материаллар шулар жумласидандир. Уларнинг кўпчилиги бизнинг шахсий кутубхонамизда сақланади. Шунингдек, Афғонистон олимлари Абдулхай Ҳабибий, Гул Почо Улфат, Абдурауф Бенаво, Сидикулло Риштин, Абдулло Бахтонай, Муҳаммад Сиддиқ Рухий, Ғулом Жайлоний Жалолий, Залмай Ҳиводмал ва бошқа “Афғон (паштў) адабиёти тарихи”ни ёзган муаллифларнинг барчаси ўз китобларида афғонлар адабиётининг узвий қисми сифатида у ёки бу даражада халқ оғзаки ижодиётига ҳам тўхталиб ўтганлар, ёритганлар. Масалан, таникли адабиётшунос Залмай Ҳиводмал қаламига мансуб афғон адабиёти тарихига оид китобларининг деярли барчасида халқ оғзаки ижоди ҳақида

⁵⁶ Қаранг: Ўша асар, х-з бетлари.

фигр юритади. Бу олимнинг Покистонда мухожирликда юриб, 2000 йилда нашр этган “Дэ паштў адабиётў торих” (“Афгон адабиёти тарихи”) ⁵⁷ китобининг дастлабки боби “Дэ паштў шифоҳи (ноликилай) адабиёт” (“Паштў оғзаки адабиёти”), ⁵⁸ деб номланган бўлиб, унда олим паштунларнинг маросим ва маросим билан боғланмаган оғзаки ижодиётининг: *ландэй, кокари, ландаки, сурукай, норе ё жагуна, фолуна, дэ шоди сандэри, сонди, дэ мендў сандэри* (аёллар кўшиқлари ва оғзаки шеърляти), мақол ва маталлар, халқ қиссалари, болалар оғзаки ижодиёти, нақл-ҳикоятлар, афсоналарнинг жанр хусусиятлари, уларнинг халқ адабиётида тутган ўрни, турлари, структураси, вазни, бадий хусусиятлари ҳақида қисқа, аммо лўнда, қуйма илмий-хулосавий мулоҳазаларни беради.

Ўтган асрнинг 90-йиллари ва XXI аср бошларида ҳам Афғонистоннинг ўзида паштў халқ адабиёти ҳақида бирмунча мақолалар қайта нашрлари босилиб тургани маълум. Аммо, бахтга қарши, бу мамлакатда давом этаётган нотинчлик, урушлар шу йилларда бу борада нашр этилган ишлардан бохабар бўлиш, уларни қўлга киритишнинг тўла имкони бўлмади. Боз устига, ўтган асрнинг 90-йилларидан эътиборан Кобулдаги Афғонистон фанлар академияси Тил ва адабиёт маркази – “Паштў тўлэна”нинг аксарият етук олимлари, шу жумладан, юқорида номлари зикр этилган фольклошунос олимларнинг кўпчилик қисми ватанни ташлаб хорижий мамлакатларга кетиб қолдилар. Уларнинг бир қисми Покистонда мухожирлик шароитида яшаб ўз мамлакатларининг маданияти ва адабиёти ҳақида кўплаб китоб ва мақолалар ёзиш имконини топдилар. Шулардан бири юқорида номи зикр этилган олим Залмай Ҳиводмал эди.

⁵⁷ Қаранг: Ҳиводмал, Залмай. Дэ паштў адабиётў торих. Пешовар, 2000 кол.

⁵⁸ Қаранг: шу асар, 2-24 бетлар.

Покистондалик чогида у ўзининг афгон адабиёти борасида бир неча йирик, фундаментал китобларини ёзиб чоп эттирди. Шулардан бири унинг юқорида таништирилган китобидир.

Покистонга мухожират қилган Афғонистон олимларининг ҳаракати билан Пешоварда 1997 йилдан эътиборан “Озод Афғонистон” номли уч ойлик сиёсий, ижтимоий ва маданий журнал нашр қилина бошланди ва унинг саҳифаларида афғонларнинг оғзаки ижодига оид материалларга ҳам кенг ўрин берилиб борилди ва бу мавзуда ўнлаб мақолалар чоп этилди. Масалан, шу журналнинг 1999 йил биринчи сонида дарий тилида исми “С” деб ёзилган муаллиф “Ландэйлар: паштунлар дунёқарашининг кўзгуси”⁵⁹ номли катта мақоласини эълон қилган эди.

* * *

Афғон (паштун) оғзаки адабиётини ўрганиш бўйича Покистонда ҳам жиддий ишлар амалга оширилган. Покистонда истиқомат қилувчи паштун⁶⁰ аҳолиси орасидан етишиб чиққан олимлар, шоир ва ёзувчилар томонидан ўз халқининг оғзаки ижодиётини ўрганиш, уларнинг намуналарини чоп этиш масалаларига қарийб 60-70 йил давомида катта эътибор бериб келинаётганининг гувоҳи бўламиз. Хусусан, Пешовар

⁵⁹ Қаранг: Муаллиф “С”. Ланэйхо: алғуе жаҳонбинийе паштун. – “Озод Афғонистон”, дре миёште сиёсий ау фарҳанги мажалла. Пешовар, 1999. 138-178 бетлар.

⁶⁰ XIX асрнинг охирларигача паштун (афғон) халқи бир бутун халқ сифатида мавжуд эди. Аммо 1893 йили инглиз сиёсатчиларининг сайъ-ҳаракати натижасида бу халқ деярли тенг ярмидан иккига бўлиниб ташланди ва уларни бир-биридан ажратиб қўйган сунъий чегара “Дюранд чизиғи” номини олди. Шу чизик туфайли ҳозиргача афғонлар икки мамлакат ҳудудида, яъни Афғонистон ва Покистонда истиқомат қиладилар. Покистон Ислом Республикаси ҳудудида яшайдиган паштунларнинг (тахминан 17 млн.) маданий, тарихий маркази Пешовар шаҳри бўлиб, бу ерда университет ҳам жойлашган.

университети ва унинг қошидаги Паштў академиясининг олимлари ўз халқининг адабиёти ва фольклор маданияти соҳасида жуда катта салмоқли ва фундаментал тадқиқотларни нашр этганликлари маълум. Уларнинг, хусусан, паштунлар оғзаки ижодининг салмоқли қисмини ташкил этган қисса-достонлар ва *чорбайта* номи билан машҳур бўлган, кўпроқ кўшиқ сифатида мусиқага солиниб куйланадиган шеър тури ва уларни оммалаштириш бўйича қилган ишлари диққатга сазовордир. Аммо, Покистонда паштў фольклори борасида қилинган ишлар алоҳида, батафсил тафсилотлар ва хулосалар берилишини тақозо қилинишини кўзда тутган ҳолда бу масалани кейинги мақолаларда ёритишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Юқорида афғон фольклорини ўрганиш тарихи бўйича кўриб чиқилган материаллар бу соҳада салмоқли ишлар қилинганлигидан гувоҳлик беради. Шу билан бирга, бу соҳада афғоншунослик олдида ҳали бир қатор муҳим ва долзарб масалалар турибди. Булар: афғон халқ оғзаки ижодиётига тааллуқли барча намуналарни — у икки мисралик шеър бўладими ёки катта ҳажмдаги эртак ва достонлар бўладими — барчасини тўлиқ тўплашга эришиш, уларнинг вариантларини ўрганиш, солиштириш, ибтидоий кўринишларини аниқлаш, мусиқа, халқ маросимлари билан боглиқ илдизларини тадқиқ қилиш, уларнинг тили, поэтик синтаксиси, насрий ва шеърий турларининг композицион ўзига хосликлари, сюжетлар олами, метафорик системаси, ритми, метрикаси, банд, қофия масалалари, ёзма адабиёт билан боглиқлик масалалари, кўшни халқлар фольклори намуналари билан қиёслаш ва ниҳоят, ҳар бир оғзаки ижодиёт намуналарининг тўлиқ назарий таърифларини бериш кабилардан иборатдир.

СКАЗОЧНАЯ ФАНТАСТИКА В АРАБСКОЙ СКАЗКЕ

Тимур Мухтаров,
доктор филологических наук, профессор

Одной из важнейших специфических особенностей волшебной сказки вообще и арабской в частности является сплав подлинно-жизненного начала с фольклорными истоками - народными преданиями, легендами, сказками пёстрого в этническом и религиозном отношении халифата.

Вместе с другими традициями в общий культурный фонд вошли бытовавшие в глубокой древности и изустно передававшиеся, от одного поколения к другому индийские, иранские сказки, библейские притчи, вавилонский и древнеегипетский фольклор и т.д.⁶¹

Проза этого периода (XII - XV- вв.) зафиксировала переход от мифологического мировоззрения⁶² космологической модели мира к человеческому бытию и историческому осмыслению своего прошлого. Однако этот процесс наталкивается на архаические фольклорно-мифологические традиции. Поэтому для данного этапа ещё характерно смешение мифологического прошлого с историей фольклорного универсума с реальной географией.

Главной чертой, народного мировоззрения на стадии продолжающегося господства пережитков архаических культов является двойственное восприятие мира. Хотя герои сказок живут в определённую историческую эпоху и в определённом географическом пространстве, однако функционируют они в довольно условном мире (см.сказку о юноше -купце)!

При всех внешних чертах действительности мир арабских

⁶¹ Фильштинский И.М. Арабская литература в средние века. —М., 1974. См.: также Шамусаров Ш.Г. Арабский фольклор. —Т.: Фан, 1992.

⁶² Мухтаров Т.А. Автореф. докт. дисс.—Т., 1994.

сказок не был реальным, поскольку средневековый человек находился на той стадии, познания, когда себя и природу воспринимал нерасчленённо. Центральным в системе мифологического повествования было представление об ином мире. Если рассказ хоть как-то соприкасался с потусторонним, он всегда затрагивал тему иного мира. Средневековый человек ещё не знал чёткого деления на мир - по эту сторону бытия и по ту сторону, - поскольку понятия смерти как абсолютного небытия не было.

Напротив,- усилия исламских идеологов были направлены на то, чтобы доказать реальность бытия и после смерти. Соответственно не было и чёткого территориального деления на тот и этот мир. Граница между этими двумя мирами всегда была в некоторой степени условной. Не всякая гора или река могли оказаться пограничными. Не всякое место, где обитали сказочные существа (джинны, ифриты, гули) было частицей иного мира, и соприкасаясь с этими существами, человек не вступал в «запредельное» пространство.

В сказках «101 ночь» и «1001 ночь» читателя уводят в иной мир путешествия, предпринимаемые героем в различных целях (здесь и открытое желание пожить, и поиск возлюбленной, и жажда нового, часто герой просто теряет ориентир и заблуждается, и случайно набредает на обитель джинна или ифрита).

Иногда, герой благодаря каким-либо своим способностям или при помощи дружественных сверхъестественных сил, проникает за пределы неизвестного. Он вознаграждается обычно богатством и счастьем.

В средневековье происходит смешение реальной с вымышленной. Это явление отчётливо наблюдается в сказках «101 ночи». Разграничение между реальным и фантастическим путешествиями, самоочевидными для современного читателя, вряд ли существовало для средневековой мусульманской публики. По её мнению, на краю земли неизвестные и

неизученные регионы постоянно переходили в «иные миры» демонов и волшебных существ. Вот так, например, пишет известный

арабский средневековый историограф: Потом подошёл он (Александр Македонский) к двум преградам, а были это две горы с гладкими склонами, на которых ничто не удерживается, и построил там стену. Потом пошёл он к ладжуджу и маджуджу и увидел, что люди с собачьими мордами сражаются с ними. Он пошёл дальше и увидел низкорослый, который воевал с низкорослыми. Он последовал дальше и нашёл народ змей, из которых каждая могла проглотить огромную скалу.⁶³

В качестве примера можно ещё вспомнить знаменитую страну «Ваквак», в давней степени это касается и горы «Каф», и «Медного города» и «Камфорного острова».

Если же мы отделим фантастические путешествия от реальных, то можно заметить, что первые основаны от древней космогонии, вторые же основываются на реальных свидетельствах чисто арабского происхождения.

Если говорить о фантастических путешествиях, то надо отдельно сказать о космогонической модели, мира, из которой авторы сказочных сборников - 1001, 101 ночи - строили свои описания.

« земли расположены семью рядами, одна над другой, и Аллах сотворил ангела из ангелов своих, который несёт семь земель на своих плечах. А над этим ангелом Аллах Великий сотворил скалу и под самой скалой Аллах Великий сотворил быка, а под быком сотворил Аллах великую рыбу, а под рыбой сотворил Аллах великое море..., сотворил Аллах Великий под этим морем большую пропасть, а под пропастью сотворил Аллах огонь, под огнём, сотворил Аллах Великий

⁶³ Абу ар-Рахман йбн Абу ал-Хасан (187-802 - 257-871) из книги «Завоевание Египта, ал-Магриба и ал-Андалуса».Пер. с араб. СБ.Певзнера, —М., 1985.

большую змею. И если бы не страх этой змеи перед Аллахом Великим, она наверное проглотила бы то, что над нею...».

Восходя по ступеням он (Мухаммад) видит ангела Возвещения времени в виде яркого огромного размером петуха, ангела Единства жары и холода и ангела Попечителя Ада.

После этих удивительных зрелищ Мухаммад восходит на первое небо, созданное из железа, населённое ангелами с лицами людей, коровьими туловищами и орлиными крыльями. Затем он поднимается на второе медное небо. Затем на третье из серебра, четвёртое - из золота, пятое - из жемчуга, шестое - изумрудное, седьмое – рубиновое.⁶⁴

А вот как описывается сказочное животное ал-Бурак: он был больше осла и несколько меньше мула, с человеческим лицом, шерстью из мелкого жемчуга, гривой из изумруда, хвостом из рубина.⁶⁵

Если внимательно присмотреться к этим текстам, то можно заметить различного рода заимствования из мифов и легенд древних народов, населявших Средиземноморье. Если же говорить о других атрибутах «инога мира» гора Каф, остров Камфоры, Медный город, джинны, гули, ифриты, то здесь уже можно заметить влияние более избранного арабско-персидского материала.

Эти слова справедливы и по отношению к реальным путешествиям. Они включают в себя вымышленные в пределах подлинных или якобы подлинных приключений, которых в них рассказывается. Но, они не переходя в область чисто воображаемого, не описывают чего-либо сверхъестественного и предпочитают определить местонахождение самых разных событий в пределах достигаемости мусульманского мира, где под руководством опытных морских капитанов и надёжных проводников можно пересечь моря и в караванах

⁶⁴ «101 ночь». Рамка. Рассказ философа.

⁶⁵ См. там же.

пустыни.

- Дошло до меня, о, великий царь, - Аллах был сведущ и премудр, - что на островах Индии в древние времена и минувшие века...⁶⁶

- Два месяца продолжалось плавание» наконец они достигли города Хоросана. Корабль вошёл в бухту и, причалив к пристани, бросил якорь.⁶⁷

- Отец юноши перед смертью дал ему ещё один совет: он завещал ему в дороге никогда не путешествовать вместе с караваном - «будь или на десять фарсангов впереди или отстань на десять фарсангов».⁶⁸

Таковыми⁵ историями о реальных путешествиях в «101 ночи» и в «1001 ночи» является «Медный город» и «Камфорный остров».

«Медный город» - одна из самых необычных и интригующих сказок обеих сборников (по-видимому, сказка очень древняя, раз встречается и в «101 ночи» и в «1001 ночи»). Она интересна, прежде всего тем, что в ней соединено несколько совершенно различных элементов, к тому же сказка построена на реальном историческом и географическом материале, что придаёт ей ещё большую таинственность и правдоподобность.

Начать с того, что герой сказки эмир Муса-ибн Нусаир и Абдельмалик ибн Марван - исторические личности.

Муса ибн Нусаир при ибн Марване покорил Северо-Западную Африку:

- Абу ал-Азиз направил в ал-Магриб Мусу, ибн Нусайра, Хасан рассказал об этом Абдельмалику, Тот пал ниц в молитве.

- Муса ибн Нусаир двинулся походом из Ифрикии в

⁶⁶ «101 ночь». Рассказ о юноше купце.

⁶⁷ См, там же.

⁶⁸ Абу.ар-Рахман ибн Абу ал-Хасан. Завоевание Египта, ал-Магриба и ал-Андалуза. -М., 1987. -С.227.

Тайджу, Он был первым из правителей, кто поселился в Таджи....

- Когда был завоеван ал-Андалуз, к Мусе ибн Нусаиру пришёл некий человек и сказал: «Пошли со мной, я укажу сокровища».⁶⁹

Одно только это подводит под сказку и под само путешествие фазу реальности происходившего.

- Муса послал людей, и этот человек указал им: «Тащите», и они вытащили. На них посыпалось хризолитов и яхонтов столько, что подобного не видано никогда.

- И тут же налетел сильный ветер, корабли стали биться один о другой, так что разбились и были потоплены с людьми.

Эти отрывки взяты нами из историографического труда известного средневекового учёного историка Абу ар-Рахмана ибн Абу ал - Хакима, но как они напоминают отрывки из «Путешествий индбада». Таким образом, при определенной доле условности некоторые вещи можно считать реальными.

Но вернёмся к «Медному городу». Идея самого города среди пустыни навеяна огромными руинами римских Построек. К идее возникновения города можно подойти и с другой точки зрения. В серии преданий (еврейских и арабских) рассказывается о «море тьмы» (Атлантический океан), начало которого отмечено медной статуей или медным городом, и «море» это называется последним на свете.⁷⁰

- Двадцать дней и двадцать ночей плыли они по морю тьмы, над которым никогда не выходит солнце. А на двадцать первый день видят они огромного идола, упирающегося головой своей, в облако.

- Это один из семи идолов, поставленных здесь Искандером Зу-л-Карнайном Мирсу - сказал маг Умару.⁷¹

⁶⁹ Абу ар-Рахман ибн Абу ал-Хасан. Завоевание Египта, ал- Магриба и ал- Андалуза. —М.1987. —С.227.

⁷⁰ Герхардт М. Искусство повествования. -М., 1984.

⁷¹ «101 ночь». Камфорный остров.

Таким образом, можно предположить, что «Медный город» олицетворяет это море, и ему свойственны те же черты, что и морю. Это край, земли, опасное место... Издали он кажется заманчивым и дорогу к нему найти вообще-то несложно. Но как только путешественники добираются до города, он берёт свою дань - двенадцать человек попадают в смертельную ловушку, устроенную для них духами, оставшиеся, не устранившись, проникают в город, который оказывается набит сокровищами и мертвецами, захваченных смертью в самых неожиданных местах (ср. мертвый. город, пустой город в Алладине и волшебной лампе).

Путешественники проникают во дворец, где находится мумия царицы города и там узнают причину гибели людей (жажда). Набожность и благоразумие охраняют храбрецов, проникших в самое царство смерти. Праведный может благополучно вернуться оттуда, нагруженный сокровищами, но один нечестивый, захотевший снять кольцо с пальца мертвеца, таинственным образом убит.

Во всех этих событиях интересна реакция путешественников на волшебные события, происходящие с ними в городе. Встреча с джинном, прикованным к столбу, медным идолом и т.д. Герои не воспринимают это как нечто сверхъестественное. Преграды же, возводимые духами, воспринимаются, как нечто естественное и необходимое, преодолеваемое самым обычным образом - славословием Аллаху.

Такое отношение героев к фантастике и чудесам можно наблюдать и в других сказках. Так в сказках о «Старухе и шайтане», о «Мухаммаде-лентяе» кроме героев старухи и Мухаммада фигурируют шайтан и джинн. Мухаммад побеждает джинна, спасает свою невесту, а заодно приобретает и сказочное богатство. Но, при этом ни старуха, ни Мухаммад не удивлены и не испуганы вмешательством нечистой силы в их жизнь. И как обычно,

чтобы придать сказке большую реальность, в неё вводится историческая личность - Харун ар-Рашид.

Это характеризует и отношение самого автора, и его современность к подобным событиям. Автор делал это отнюдь не для того, чтобы заставить кого-то верить, а потому что сам в это верил, как верил в Аллаха, ангелов, джиннов, как верил в сказочные земли, как верил тому, что всего этого можно достичь, надо только обладать набожностью, благоразумностью, выдержкой. Как верил, что одно соприкосновение со всем этим приносит богатство, а, следовательно, и счастье.

Эта мысль красной нитью проходит через все волшебные сказки. Например, «Рассказ, о Хасибе и царице змей». Герой проходит через весь потусторонний, мир, он проходит через странные острова, похожие в ряде описаний на «райские острова», через царство «неверных джиннов», через «гору Каф». Пройдя всё это, узнав это, отнюдь не заповедные тайны, герой возвращается домой. Герой так занят этими делами, что даже не ощущает, что соприкоснулся с «Основами жизни», с тайной вселенной, для него это обыкновенное чудо.

А если и изумляется, то это изумление обращено религиозностью. Здесь нашло свое выражение мировоззрение того времени: вера в безграничное всемогущество Аллаха, концепция достаточно широкая, чтобы включать любые чудеса.

Сказки «101 ночи» знакомят нас и с обитателями «иного» мира. Это, прежде всего джинны, ифриты, гули. Демоны эти могут выступать и как вспомогательные элементы сказки, и как основные. Из сказок, где демоны выступают как более или менее самостоятельные герои действия, надо выделить. «Камар аз-Заман», «Камфорный остров». В них демоны не являются самостоятельными элементами мира, а скорее предназначены для того, чтобы усилить способность людей,

оттенить какие-то качества главного героя.

Герои же недолго удивляются их вмешательству, а сразу же умело их используют. Правда в некоторых сказках упоминаются города, дворцы и царства джиннов, которые находятся вдали от людей, но обычно это делается для того, чтобы показать необъятность мира, созданного Калямом Аллаха, или для того, чтобы ещё раз подчеркнуть всемогущество Аллаха. Надо отметить, что действие в этих странах без людей не происходит. Сам по себе мир джиннов очень подробно описан в арабской мифологии:

«Аллах из огня сотворил двух существ - Халита в образе льва (мужское начало) и Палита в образе волка (женское начало). Соединившись, эти существа дали семь пар существ мужского и семь пар существ женского пола.

Все они слушались своего отца, кроме одного, его звали Иблис. Он ослушался Аллаха, когда тот, создав Адама приказал пасть ниц перед ним. И вот от этого Иблиса пошли шайтаны, а от других шести существ пошли правоверные джинны.⁷²

Этот миф почти полностью соответствует мифу христиан о гордыне, обуявшей дьявола, - тот же мотив, он не захотел служить Аллах....⁷³

Проанализировав наиболее яркие и характерные черты волшебной сказки можно представить себе модель мира (включая и «иной мир»), такой, какой представлял её себе средневековый араб или житель Восточного города.

⁷² «1001 ночь» Т.5. –С.166.

⁷³ См. об этом подробнее «Энциклопедия мифов. Ст. Арабская мифология. Христианская мифология».

ҲИНД ФОЛЬКЛОР АНЪАНАЛАРИ

Улфатхон Муҳибова,

филология фанлари номзоди, доцент

Фольклорнинг халқ ижоди ва донишмандлиги билан боғлиқлиги унинг абадийлигини белгиловчи омиллардан биридир. Инсоният тарихи, санъат ва адабиётнинг шаклланиш илдишларини ўрганган рус олими А. Н. Веселовский ўзининг «Историческая поэтика» китобида, *“халқ маросимларида нафақат рақс ва мусиқанинг, балки шеърятнинг ҳам илдишлари мавжуддир..., эпос ва лирика эса қадимий хор кўшиқлар якунида бунёдга келган”*⁷⁴, деб ёзган эди. Миллий фольклор аънааларини шарқ халқлари адабиётида, айниқса, ўзининг қадимий аънааларига содиқлиги билан ажралиб турадиган Ҳиндистон халқлари адабиётида кўп асрлардан бери сақланиб келаётганлигини аниқ кузатиш мумкин.

Ҳинд халқининг фольклор олами, ҳақиқатан ҳам, жуда бой ва сермазундир. Унинг таркибига турли фольклор жанрлар, хусусан, асотир, эпос, эртақ, масал ва достон ва бошқалар киради. Лекин, ҳинд фольклор аънаалари деганда бизнинг кўз олдимизга, аввалом бор, эпослар келади.

Ҳинд эпослари ҳинд халқининг бутун борлиги, ички олами, яшаш тарзи, бу халққа хос бўлган урф-одат ва расм-русумларни, диний ва фалсафий қарашларни, қон-қариндошлик ришталари ва оилавий муносабатларни, ахлоқ қоидаларини, ҳинд аёли ҳақидаги мулоҳазаларни, шоҳ ва фуқаро ўртасидаги одилона муносабатларни, ҳар бир шахснинг она ватан олдидаги бурчини, тўғри яшаш ва инсоний муносабатларнинг негизини, ва умуман, ҳинд халқининг кейинги давр ҳаётини ҳар томонлама тўлиқ белгилаб берган мукамал асарлардир, десак хато бўлмайди. Шу боис,

⁷⁴ ИВЛ, Т.1., с. 28

“Рамаяна”, “Маҳабхарат” ва унинг таркибида шаклланган “Бхагавадгита” ҳам бугунги кунда ҳиндуизмнинг муқаддас китоби саналади.

Эпосларда адолат ҳимоячиси сифатида тасвирланган образлар, хусусан, “Рамаяна”да Рам, Сита, Лакшман, Бхарата, Каошалья ва бошқалар ҳамда “Маҳабхарат”даги Кришна, Радха, Васудев, Яшода, Кунти, Бхишам, Видур, Юдхиштхир, Бхим, Аржун, Драупади, устоз Дрон ва бошқалар асрлар оша халқ қаҳрамонлари сифатида тилга олиниб келинади. Ҳиндистонда айнан мана шу образлар ва мана шу номлар кўп соҳалар учрайди. Хусусан, ҳинд миниатюра санъатининг, архитектура соҳасининг, шеърятнинг, насрнинг, драматургиянинг, мусиқа ва рақс санъатларининг ривожланиш асосида айнан “Рамаяна” ва “Маҳабхарат” эпоси ётади. Ҳиндистонда “Олтин давр” номи билан юритиладиган ўрта аср мусулмон маданиятини бошида ҳам “Рамаяна” ёки “Маҳабхарат” эпосларининг маълум бир даражада таъсирини кузатиш мумкин. Икки турли маданият ва мафкурага асосланган ҳинду ва мусулмон маданиятлари ўртасидаги бу таъсирнинг асосида эса ҳиндуларнинг бхакти ва мусулмонларнинг суфизми ётади. Бу таъсирларни биз, айниқса, бобурийлар салтанатининг маданияти, мусиқа ва шеърятида аниқ кузатишимиз мумкин. Жумладан, бобурий шоҳлардан тарихда буюк ва адолатли шоҳ сифатида ном қолдирган Акбаршоҳ⁷⁵ ҳам, қаттол мусулмон сифатида таърифланадиган Аурангзеб ҳам ўзларининг исломий таълимотларини ҳинду бхакт ва сантлар, жумладан, Сурдас, Дадү Дайал, Малукдаслар ва бошқа бир қанча бхактлар билан бўлган кўплаб суҳбат ва баҳс-мунозараларда чархлаб, ҳиндуизм ва исломий қарашлардаги фарқлар ва ўхшашликлар

⁷⁵ шу жумладан, Хумоюн, Жаҳонгир ва Шоҳжаҳонлар ҳам турли бхакт ва сантлар билан яқин муносабатларда бўлган.

ҳақидаги илмларини мустаҳкамлаб олганликлари ҳақида ўрта асрларга оид турли манбаъларда⁷⁶ кузатиш мумкин.

Юқорида тилга олинган эпик қаҳрамонлар эса ҳинд халқи учун миллий рамзларга айланиб кетган. Хусусан, Лайли-Мажнун, Фарход ва Ширинлар шарқ халқлари адабиётида ишқ мавзусининг рамзи бўлса, Радха ва Кришна муҳаббати бутунҳиндистон адабиёти ва санъатида ишқ мавзуининг тенгсиз рамзидир. Рам ва Сита жуфтлиги эса муқаддас ва бахтли оила рамзи, Кунти ва Каошала заковатли ва адолатли оналар рамзи, Драупади мард ва гўзал аёл рамзи, Видур донишманд ва адолат тарозуси мустаҳкам вазир рамзи, Рам ва Юдхиштхир сабр-тоқат ва адолатда, халқпарварликда тенги йўқ шоҳ ва шаҳзодалар рамзи, Бхим куч-қудратда, Аржун эса камонбозликда тенгсиз шаҳзода рамзи бўлиб, уларнинг барчаси ҳинд жамиятида ўчмас из қолдирган. Бу номларнинг ҳар бири ўз ўрнида шу рамзлар маъноси доирасида бадиий асарларда доимий равишда қўлланиб келинади.

Эпослар илк ёзма адабиётнинг, ундан кейинги даврда эса қадимий драматургия ва театр санъатининг шаклланишини ҳам таъминлаган. Бунга эпосларнинг, даставвал, халқ орасида куйланадиган дoston шаклида бўлгани ва уларнинг халқ труппалари томонидан доимий равишда саҳналаштирилиши театр санъати ва драматургиянинг шаклланишига асос бўлган. Эпосларнинг кўп сюжетлилиги драматурглар учун ижод манбаи бўлиб хизмат қилган. Жумладан, мелоднинг III асрларида яшаб ижод этган биринчи ҳинд драматурги Бхасанинг бугунги кунгача 13 та пьесаси топилган ва у ўз пьесалари учун сюжетни “Рамаяна” ёки “Маҳабхарат”дан олганлигини ҳинд мутахассислари XX аср бошларида аниқлаганлар. Хусусан, «Мадхьяма вьёга» (“Ўртанча ўғил”),

⁷⁶ Балдев Ванши. Малукдас. Делхи, 2007, Дадудайал: Сиддхант аор кавита. Кишнарам Вишнои. Делхи, 1996

«Дутагхатоткач» («Элчи Гхатоткач»), «Дутавакья» («Элчилик»), «Карабхара» («Карабхаранинг такдири»), «Урубханга» («Синган сон»), «Панчаратра» («Беш кеча») каби пьесаларининг сюжети «Маҳабхарат»дан ва «Пратиманатака» («Натака хайкали ҳақида») ва «Абхишекантака» («Натака суркаш ҳақида») пьесаларининг сюжети эса «Рамаяна»дан олинган, дейилади.

V асрларда Гупталар сулоласи даврида яшаган ва драматургияни ривожланиш чўққисига олиб чиққан драматург Калидаса ҳам “Рамаяна” ва “Махабахарат” эпосларига мурожаат этган ҳолда драмалар яратган. Хусусан, унинг “Шакунтала” драмаси илк бор европаликларда Ҳиндистонга бўлган қизиқишни уйғотган, деб ёзган эдилар ғарб ориенталистлари. Бу драма жаҳоннинг 30дан ортиқ тилларига таржима қилинган ва жуда кўп мамлакатлар саҳнасини кўрган⁷⁷. 1793 йилда рус ёзувчиси Н.М. Карамзин бир журналда «Шакунтала» асарининг тўрт қисми таржимасини нашр эттиради ва унга ёзилган каттагина кириш сўзида шундай деб ёзади: *«Ижодий рух фақат Европани эмас, балки бутун дунёни кезади. У бутун жаҳон гражданидир. Инсон ҳамма ерда ҳам инсондир. Унинг юраги ҳамма ерда ҳам бир хилда ҳис этади. Ўз юрак кўзгусига бутун еру-осмонни сиздира олади. Асарнинг деярли ҳар бир саҳифасида шеърятнинг гўзал тимсолини, юракнинг нозик ҳис қилиш қудратини, май ойининг майин шамолидек ёқимли туйғуни ҳис қилдим. Гомернинг асари Қадимий Грецияни қандай тасвирласа, Калидасанинг асари ҳам қадимий Ҳиндистоннинг шунчалик гўзал тасвири, дейиш мумкин. Унда қадимги ҳинд халқининг урф-одатларини, характери аниқ кўриш мумкин»*.

Ҳинд миллий анъаналарининг илдизи бўлган эпослар ўрта асрларда ҳинд жамияти онгига аввалгидан ҳам мустаҳкамроқ жойлашди. Бу давр адабий мероси ўз мазмун ва моҳиятига

⁷⁷ Ўзбек миллий театрида ҳам мазкур драма “Йўқолган узук” номи билан кўп йиллар давомида қўйилган.

кўра “Рамаяна” ва “Махабхарат” эпосларининг қайта яратилиши ва уларда акс этган маънавият, урф-одат, расм-русум ва миллий қадриятлар мустаҳкамланишининг иккинчи даври бўлди. Бу қадриятларнинг қайта тикланишига эса Рам ва Кришнага бўлган меҳр ва садоқатни тарғиб этувчи бхакти диний ислохотчилик ҳаракати сабаб бўлди.

Бхакти секталар қошида тарғиб этилган ва ҳар бир секта ўз мафкураси доирасида қадимий расм-русум ва урф-одатларни тиклашда ёки ўзига хос янги анъаналарни яратишда алоҳида аҳамият касб этган. Жумладан, шу давр секталаридан “Пушти” сектасида бошқа секталардан фарқли равишда “*аштсева*” анъанаси, яъни ибодатхонада Кришна юзига тортилган парданинг кунига саккиз марта очилиш анъанасига асос солинган. Ҳар бир севанинг ўз мазмуни, ижро этиладиган қўшиғи, маъбудга қўйиладиган таомлари бўлган ва бу севалар секта раҳбарлари тайинлаган махсус шахслар томонидан амалга оширилган. Бошқа секталарда эса Кришна юзига парда тортилмаган ва халқ истаган вақтида унга ибодат қилиш имкониятига эга бўлган. Пушти сектасига хос шундай анъаналардан яна бири «*панчанмрит снан*», яъни Кришна хайкалчаи ёки тасвирини беш маротаба ювиш. Анъанага кўра Кришна маъбуди сут, қатиқ, қаймоқ, ширин сув ва асалли сув билан ювинтирилган. Худди шунингдек, инсон феъл-атвори билан боғлиқ атамалар, хусусан, *саттвик* – ҳақ йўлида бўлган инсон, *ражас* – моддий дунёга берилган инсон, *тамас* – ёмонлик хусусиятлари кучли инсон; *деви жив* – қалбида оллоҳ бўлган инсон, *сансарик жив* – дунёвий инсон, яъни гуноҳкор банда; *асури жив* – шайтоний ёки ёвуз феълли инсон, ёки бўлмаса, диний-фалсафий атамалар – «*нам невидан карвана*» – Яратгanning номи билан таништириш; «*брахмасамбандх карана*» – Яратган билан қалбан (руҳий) боғланиш; «*манса*» – қалба, «*танса*» – ибодатда, «*виттажа*» – хайр-эҳсонда Яратганни ёдга олиш кабиларни эслаб ўтиш мумкин. Маъбуд Кришнанинг саргузаштлари билан боғлиқ турли атамалар ҳам

халқ орасида анчагина кенг тарқалган, хусусан, *никунжлила* - тунги саргузаштлар; *баллила* - болалик саргузаштлари; *раслила* - севги можаролари, диний тақвим бўйича ойлар номи - *картик*, *пхалгун*, *чейтра*, *бейшах*, ибодат жараёнларида ишлатиладиган мусиқа асбоблари ва мусиқалар номи; асбоблар - *мриданга*, *бансури*, *веру*; мусиқалар - *саранг раг*, *пурви раг*, *гори раг* ва бошқалар, таомлар ва ширинликлар номи; ширинликлар - *кесри*, *кулхи*, *бесан ки кархи*; таомлар - *бенган ки сабзи*, *чхаппан бхог*(56 хил таом) ва бошқалар, касблар номи - *бхат*, *говейя*, *банджара*, *каястха*. *кунби* ва бошқалар, байрамлар номи - *холи*, *дивали*, *Кришна жанамаштами*, *Рамнавми*, вақт билан боғлиқ атамалар - *пехер* - *тун*, *дерх пехер* – ярим тун ҳамда маъбуд Кришнага тонгги соат 4дан тунги 12гача таом бериладиган вақтлар номи - *мангла бхог*, *шрингар бхог*, *гвал бхог*, *раджд бхог*, *уттхапан*, *садхья арти*, *шайан* каби атамалар борки, уларнинг барчаси ҳинд фольклор асарлари мазмунида шаклланган бўлиб, бу атамалар ўрта асрларда ҳинд жамиятида яна қайта тикланди ва, айниқса, улар қишлоқ аҳли яшайдиган ҳудудларда кенг миқёсда қўлланилади. Лекин, бу анъаналар эпос воқеалари билан боғлиқ бўлганлиги сабаб мана шу воқеалар бўлиб ўтган ҳудудларда кўпроқ сақланиб қолган, жумладан “Рамаяна” эпоси билан боғлиқ анъаналар Айодхья ва Рамга эътиқод қилувчилар орасида ҳамда “Маҳабхарат” билан боғлиқ анъаналарни Деҳли ва унинг атрофидаги Агра, Матхура, Вриндаван, Гокул, Барсана, Кама каби шаҳарчаларда ва кришнаитлар яшайдиган бошқа ҳудудларда ҳам учратиш мумкин. Шуниси аҳамиятга моликки, бу анъаналар ҳанузгача ўз аҳамиятини йўқотмаган ва уларни бугунги кунда ҳам шу ҳудудларга борган ҳар бир инсон ўз кўзи билан кўриши ва улар ҳеч қандай ўзгаришларсиз сақланиб келаётганининг шохиди бўлиши мумкин.

Демак, биз, ҳинд фольклор анъаналари деганда, кўпроқ, эпослар даврида, яъни ҳиндуизм шакллана бошлаган даврдаги

анъаларни тушунишимиз ҳақиқатга яқинроқ бўлади. Албатта, ҳиндуизмдан кейин шаклланган буддизм, жайнизм ва сикхизм мафкуралари билан боғлиқ анъаналар ҳам ўз ўрнига эга, лекин улар ҳам, аслида ҳиндуизм замирида шакллан. Ташқаридан кириб келган мусулмон ва насронийлар мафкураси асосида шаклланган анъаналар ҳам ҳинд жамиятида етарли даражада мавжуд, лекин бу анъаналар ҳинд миллий анъаналари доирасини қамраб ололмайди, аксинча, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, уларга ҳиндуизмнинг айрим таъсирларини ҳар иккала мафкура вакиллариининг ҳаёт тарзида учратиш мумкин.

Ҳинд фольклор анъаналари ҳақидаги мазкур мақола асосан ҳиндуизм ва икки йирик эпос доирасидаги анъалар асосида тайёрланди, аслида эса, ҳинд миллий фольклор анъаналари доирасига, маълумки, эртақ, масал, мақол ва маталлар, фольклор қўшиқлар, рақс ва миниатюра санъати каби жуда бой ва сермазмун меросни киритиш мумкин. Бу йўналишлар эса махсус тадқиқот объекти сифатида жуда кам ўрганилган ва улар ўзбек ҳиндшунослигининг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Классическая драма древней Индии. Л., 1984
2. Калидаса. (перевод В. Захарьина) М., 1973
3. Махабхарата. Тошкент, 1964
4. Рамайна. Тошкент, 1989
5. Сахитъя аор итихас. (Адабиёт ва тарих) Менежер Пандей. Дехли, 2009
6. Нагендра. Хинди сахитътйа ка итихас (хинди адабиёти тарихи). Дехли, 1964

КОРЕЙС АДАБИЁТИ САРЧАШМАЛАРИДАН НАМУНАЛАР

Умидахон Сайдазимова,
филология фанлари номзоди, катта ўқитувчи

Корейс ёзма адабиёти анъанаси милоднинг дастлабки асрларида, Корея яриморотида уч подшолик: жануби-шарқда Силла, жануби-ғарбда Пэкче ва шимолда – Когурё ташкил топган даврда вужудга келган. Бу давлатларнинг подшолари конфуцийчиликнинг давлатчилик андозаларига қараб мўлжал олганлар ва шунинг учун бўлса керак, уларга мамлакатнинг мустақиллигини барқарор этиш учун ўз солномасини яратиш талаб этилган. Шу тариқа IV асрда Когурёда тузилган “Ўтмиш ҳақида қайдлар” ва Пэкчеда ёзилган “Тарихий қайдлар” пайдо бўлган; учинчи корейс давлати – Силлада мамлакат тарихини тузишга VI асрда киришилган. Афсуски, бу асарларнинг бирортаси ҳам бизгача етиб келмаган. Худди шунингдек, қадимги Кореянинг бошқа кўпгина солномалари ҳам сақланиб қолмаган. Корейс тарихшунослигининг бизгача етиб келган биринчи ёдгорлиги – Ким Бусикнинг 1145 йилда ўзидан олдинги тарихчиларнинг китоблари асосида ёзган “Уч давлат солномаси”дир. Ким Бусик бу асарни подшо ҳукмига биноан ёзган. Асар ёзиб тугатилгач, у Ким Бусик ва унинг ўнта ёрдамчиси – саройнинг турли идоралари амалдорлари томонидан имзоланган хат билан бирга подшога тақдим этилган. Ким Бусик ватанпарвар бўлган. Ўша даврда Кореядаги ўқимишли кишиларнинг аксарияти Хитойнинг конфуцийчилик фанига қараб мўлжал олгани ва ўз меросига паст назар билан қарагани уни қаттиқ ташвишга солган. У: ““Беш китоб” ҳамда хитой донишмандлари асарларининг мазмунини, шунингдек Цинь, Хань ва кейинги сулолалар тарихини теран англаб етишга қодир бўлган ҳозирги олимлар, мамлакатимизда содир бўлган воқеаларга келганда, ўзларини

бутунлай йўқотиб қўядилар, бу воқеаларнинг бошини ҳам, охирини ҳам билмайдилар. Афсус! Бу нақадар қайгули!”, деб ёзган.

Ким Бусик ва унинг ёрдамчилари Корея тарихида ўзларига маълум бўлган барча фактларини бир китобда жамлаганлар. Улар ўз даври тарихинигина эмас (“Уч давлат солномаси” X асрнинг 30-йиллари билан тугайди), балки қадимги ва илк ўрта асрлар Кореясининг тарихини ҳам ҳикоя қилганлар. Ким Бусик ҳар бир подшоликка алоҳида солнома бағишлаган. Бу солнома Узоқ Шарқда қабул қилинган, сулолалар расмий тарихининг муқаррар элементи саналган “Асосий йилномалар” андозасига мувофиқ тарзда тузилган. Ким Бусик ўз асарини “Самгук саги” - “Уч давлат солномаси” деб номлаган. Бу билан у ўзи хитой ва бутун Узоқ Шарқ тарихшунослигининг асосчиси, милоддан аввалги II-I асрларда, яъни Ким Бусикдан минг йил олдин яшаган Сима Цяннинг “Тарихий қайдлар” асарининг корейсча вариантыни яратаётганига урғу бермоқчи бўлган бўлса керак.

Сима Цянь ўз асарини афсонавий подшолар Хуан-ди ва Чжуань-суй подшолик қилган давр баёнидан бошлаган; Ким Бусик ҳам Корея подшоликларидан ҳар бирининг тарихини, унинг фикрича, ўзидан минг йил ва ундан кўпроқ вақт олдин яшаган афсонавий подшоларнинг туғилишидан бошлаб баён этади. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, корейс адабий ёдгорликлари кейинги асрларда йўқ бўлиб кетган, асосан хитой адабий ёдгорликлари сақланиб қолган. Турли халқларнинг қадимги ва ўрта асрлардаги солномалари ўз композицияси ва услубига кўра кўп жиҳатдан ўхшаш. Уларнинг замирида воқеаларни йилма-йил қайд этишга интилиш ётади. Ким Бусик муайян йил остида қилган қайд, унинг турли қабилаларга мансуб ҳамкасбларининг қайдлари каби, жуда қисқа – атиги бир гапдан иборат бўлган. Масалан, Силас подшоси Чим хукмронлигининг йигирманчи йили, яъни милодий 131 йил остида шундай дейилган: “Ёзда, бешинчи ойда, кучли сел келиб, одамларнинг уйини оқизиб кетди ёки уларни сув

босди”. Чимнинг вориси, подшо Ильсон ҳукмронлигининг биринчи йили (милодий 134 йил) остидаги қайд ҳам қисқа ва лўнда: “Ўнинчи ойда умумий авф эълон қилинди”. Тўғри бу даражада қисқа бўлмаган қайдлар ҳам мавжуд, лекин улар ҳам аксарият ҳолларда ўзаро боғланмаган айрим воқеалар рўйхатидан иборат. Солномачи учун улар фақат айна бир йилда юз бергани муҳим. Аммо солномачи кутилмаганда ўзининг бу услубидан узоқлашади ва қайсидир йил остида курук баён кўринишидаги қайдни эмас, балки у ёки бу шахс, аксарият ҳолларда, албатта, подшо ҳаётидан бутун бошли бир воқеани келтиради. Бу ерда солномачи воқеани қайд этибгина қолмасдан, балки у қандай юз берганини тавсифлайди. Хўш, Ким Бусикнинг этиборини ўзига тортган нарса нима? Бошқаларга сабоқ бўладиган мазмунга эга бўлган ғайриоддий воқеалар. XII аср солномачиси учун мўъжизали воқеалар: афсонавий подшонинг мўъжизавий туғилиши, Осмонда пайдо бўлган мўъжизавий ишора, инсоннинг руҳ ёки аждар билан мўъжизавий учрашуви, подшо ёки бирон-бир машхур киши билан юз берган фавқулодда ҳодиса ғайриоддий бўлган. Тарихчи тавсифлаган воқеа солномадаги қисқа қайдни жонлантирибгина қолмайди, у сюжетли ҳикоя куртаги: эсда қоладиган тафсилот, ибрат бўларли ибора, кутилмаган хотимани ўзида мужассамлаштиради.

Ким Бусик ва унинг ёрдамчилари подшога ёзган хатида ўша даврга хос бўлган камтарлик билан гарчи уларнинг асари подшо хазинасида сақлашга лойиқ бўлмаса-да, лекин улар подшо бу асар шиша идишлар оғзига тиқин сифатида ишлатилишига йўл қўймаслигига умид қилишларини айтганлар. Вақт уларнинг меҳнати зое кетмаганини тасдиқлади. “Уч давлат солномаси” дарҳол ўз ватанидагина машхур бўлиб қолмаган, улар, XII аср хитой адиби Ван Ин-линь гувоҳлик беришича, Хитой императори кутубхонасида ҳам сақланган.

XIII асрда Ирён исмли буддавий роҳиб Ким Бусикнинг “Уч давлат солномаси”га ўзига хос қўшимчалар тузган. У ўз асарини “Самгук юса” – “Уч давлатнинг унутилган ишлари” деб номлаган ва унга Ким Бусик қандайдир сабабларга кўра фойдаланмаган воқеаларни киритган. Бу сабаблар умуман олганда аниқ. Ким Бусик сарой тарихчиси, аниқроқ айтганда, “давлат тарихини тузиш бўйича нозир” (унинг расмий лавозими “камсу кукса” шундай таржима қилинади) бўлган. У ўз тарихини ёзар экан, конфуцийчилик тарихшунослиги принципларига амал қилган: тарихни авлодларга ибрат бўладиган тарзда ёзиш, унда ёмонликни, яъни ёмон подшоликни қоралаш ва яхшиликни, демак – муносиб подшоликни мақташнинг энг яхши усулини кўриш. Бунда Ким Бусик ва унинг ёрдамчилари Конфуцийнинг: “Баён этаман, лекин яратмайман”, деган насиҳатини ёдда тутганлар. Бу насиҳатни “қадимгиларнинг ишлари ва таълимотини баён этаман ва ўзимдан ҳеч нарса тўқимайман” деб талқин қилиш мумкин. Ким Бусик ва унинг ёрдамчилари Конфуцийнинг бошқа бир ўғитини ҳам ёдда тутган бўлсалар керак: “Устоз ғайриоддий нарсалар, мўъжизавий воқеалар, фитна ва руҳлар ҳақида гапирмайди”. Амалда бу қадимги мифлар ва афсоналарга тарихий тус берилишига, ғайриоддий ва сеҳрли воқеалар, яъни аксарият ҳолларда мифнинг ўзагини, унинг кейинги авлод китобхонлари учун эстетик қимматга эга бўлган жозибали жиҳатларини ташкил этувчи унсурлар тушириб қолдирилишига олиб келган. Ирён буни яхши тушунган.

Ирён буддавий роҳиб бўлган. Қадимги Ҳиндистонда вужудга келган буддизм, ҳиндларнинг бошқа қадимги таълимотлари каби, тарихдан узоқ бўлган. Умуман олганда, тарихий дунёқараш буддизмга бегона эмас. Буддизм дунёвий ҳаётни ўткинчи деб ҳисоблаган ва унда юз берган воқеаларга эътибор бермаган. Буддистлар одатда тарихий асарлар

ёзмаганлар. Агар улар бундай асарларни ёзгудек бўлсалар (масалан, Тибетда шундай бўлган), мамлакат тарихини фақат унда буддизмнинг тарқалиш тарихи сифатида баён қилганлар. Тарихшунослик анъанаси ривожланган Хитойда, юзлаб ва минглаб тарихчилар орасида, буддавийлар деярли бўлмаган. 1206 йилда туғилган ва 1289 йилда вафот этган корейс роҳиб Ирён ўз замондошлари каби буддавийгина бўлиб қолмасдан, конфуцийчилик таълимотини болаликдан ўзлаштирган. Узоқ Шарқ мамлакатларида (Япониядан ташқари) асрлар мобайнида маълумот олиш ўша давр маданияти ва фанининг негизи саналган конфуцийчилик ақидалари баён этилган китобларни ёдлашдан бошланган.

Узоқ Шарқ маданий давраси мамлакатларида тарихий асарлар подшо ҳукмига биноан сарой тарихчилари томонидан яратиладиган расмий асарларга ва норасмий асарларга (улар корейсчада *яса* деб, хитойчада эса *еши* деб аталган бўлиб, бу сўзма-сўз таржимада “ғайрирасмий тарихлар” деган маънони англатади) бўлинган. Шунга қарамай, ҳатто роҳиб Ирён ҳам ўз “ғайрирасмий тарихи”ни конфуцийчилик нуқтаи назаридан ўта оқил саналган қадимги подшоларга ишорадан бошлаган: “Қадимги донишмандларнинг аксарияти ўз удумлари мусиқаси билан давлатнинг равнақига кўмаклашган, инсонпарварлик ва бурчга содиқликни ўз таълимотига асос қилиб олган, ғайритабиий нарсалар, зўравонлик, фитна ва рухлар ҳақида гапиришни истамаганлар. Аммо подшоларнинг бўлғуси юксалиши, подшо ваколатини олиши одамлар учун муқаррар тарзда ғайриоддийликдан холи бўлмаган. Шундан кейингина улар мамлакатдаги буюк ғалаёндан фойдаланиб, ҳокимият тизгинини ўз қўлига олишлари ва улуг ишларни амалга оширишлари мумкин бўлган. Шу сабабли Хуанхэдан Буюк режа, Лошуй дарёсидан эса – чизма пайдо бўлган ва донишмандлар ўз ишларини бажаришга муваффақ бўлганлар.

Ёки табаррук онани камалак қуршаб олган ва у Фу-сини туққан, аждар Нюй-дэнни уйғотган ва у Янни (яъни Илоҳий зироатчи Шэнь-цунни) туққан... Бундай қайдларнинг санаб саноғига етиб бўлмайди! Шунингдек аждодлар – уч подшо асосчилари ҳам – ҳаммаси илоҳийлик ва ғайриоддийлик жиҳатларига эга. Бунинг ҳайрон бўладиган нимаси бор?! Менинг ниятим ғайриоддий нарсаларни қайд этиб, турли асарларни тўлдириш бўлган”.

Бу қисқа сўзбошида Ирён ғайриоддий нарсалар ҳақида сўз юритмасликларини эълон қилган хитой тарихчиларининг аҳдлари билан уларнинг асарлари ўртасидаги зиддиятларни қайд этади. Дарҳақиқат, бу асарларда илк аждодлар ва подшоларнинг мўъжизавий тарзда туғилиши, осмонда намоён бўлган ишоралар ва сеҳрли ёрдамчилар ҳақида қадимги мифологик ривоятлар кесилган ва баъзан ўзгартирилган кўринишда бўлса ҳам мавжуд (масалан, от-аждар Хуанхэ дарёсидан саккиз триграмманинг шакл-шамойилини олиб чиқади, Лошуй дарёсидан чиққан тошбақа афсонавий подшо Юйга сув тошқинини тўхтатиш ва сувларни тартибга солиш режасини тақдим этади ва ҳ.к.). Ирён ўз асарини беш қисмга (ёки ўрамга) ажратган. Дастлабки икки қисмни у “Ғайриоддий воқеалар баёни” деб номлаган. Ғайриоддий воқеалар ва ривоятлар Ирён асарининг кейинги қисмлари мазмунини ҳам ташкил этган, лекин бу ерда у ўзини изчил буддавий сифатида намоён этган. У учинчи ўрамни буддавийлар қонунини – дхармани назарда тутиб, “Қонуннинг юксалиши” деб номлаган ва унга ибодатхоналарга асос солиниши, табаррук зотлар, авлиёларнинг тасвирлари ва шу кабилар ҳақидаги ҳикояларни кичик бўлим сифатида киритган. Бу ерда Ирён асарининг барча бўлимларини санаб ўтишнинг ҳожати йўқ, фақат шуни қайд этиш лозимки, роҳиб Ирён нима ҳақида ёзмасин, уни ғайриоддий нарсалар, мўъжизалар қизиқтирган: ғайриоддий

туғилиш мўъжизаси, сирли гойиб бўлиш мўъжизаси, корейс ибодатхоналаридан бирида будда ёки бодхисаттва ҳайкали нозил этган мўъжиза ва ш.к. Ирён ўз асарини ота-онага ҳурмат ҳақидаги бўлим билан якунлаган. Ота-онага ҳурмат буддавийларга азалдан хос фазилат саналмаган. Бу қадимда конфуцийчилар томонидан ўзлаштирилган ва қонунлаштирилган тушунча бўлган. Аммо милоднинг дастлабки асрларида Узоқ Шарқ мамлакатларига Ўрта ва Марказий Осиёдан келган буддавий тарғиботчилар ўз таълимотини маҳаллий одатлар билан мослаштиришга ҳаракат қилиб, бу ахлоқий категорияни шу таълимотга киритганлар. Шу боис Ирён ўз тўпламини кўр онасининг қорнини тўйгазиш учун ўзини қул қилиб сотган камбағал қиз ҳақидаги ҳикоя билан тамомлагани табиий бир ҳолдир.

Норасмий асар ҳисобланган Ирён асари ўрта асрлар Кореясида Ким Бусикнинг “Уч давлат солномаси”га қараганда камроқ тарқалган. Бу ҳол асосан Ирённинг конфуцийчилик ақидаларига зид бўлган ғайриоддий воқеаларга кучли қизиқиши билан изоҳланади. Масалан, XIX асрнинг биринчи ярмида яшаган конфуцийчи олим Ли Гугён Ирённинг “Уч давлатнинг унутилган ишлари” асарини “қип-қизил сафсаталар тўплами” деб тавсифлаган. Ўрта асрлар Кореясида матбаачилик кенг ривожланган бўлса-да, бу қизиқарли китоб атиги бир неча марта нашр этилгани ва 1512 йилги ксилографик нашрдан сўнг XX асрнинг 20-йилларигача бирор марта ҳам нашр этилмагани бежиз эмас.

Ким Бусик ва унинг ёрдамчилари ёки ҳатто роҳи Ирён ҳам халқ афсоналари, мифлар ва ривоятларни ҳозирги фольклорчилар каби, яъни ҳикоячини тинглаб ва бирорта ҳам сўзни ўтказиб юбормасликка ҳаракат қилиб, маҳаллий шева ёки лаҳжа хусусиятларини сақлаган ҳолда ёзиб олмаганлар. Улар бутунлай бошқача иш кўрганлар. Қадимги ривоятларни

тўплар эканлар, улар бу ривоятларни аввало қадимги китоблардан қидирганлар ва у ердан кўчириб олганлар, шундан кейингина улар ўзларига маълум бўлган, балки ўзга шахслардан эшитилган ҳикояларни баён қилганлар. Бу Ирённинг “Уч давлатнинг унутилган ишлари” асаридан аниқ кўринади. “Қадимги Чосон” (Чосон – Кореянинг қадимги номи, у одатда Тонгги софлик Мамлакати деб таржима қилинади) деб номланган биринчи ҳикоя милодий IV-V асрларда тузилган “Вэй тарихи”нинг вариантларидан бирига ишорадан бошланади: “Қадим замонларда, бундан икки минг йил олдин Вангон исмли подшо Тангун яшаган, у Асадалда пойтахт ва Чосон давлатига асос солган”. Шундан кейингина, изоҳ тариқасида, Тангун ҳақидаги мифологик ҳикоя анча муфассал келтирилган, у қайсидир “Қадимги қайдлар”дан олинган кўчирма сифатида берилган. Бу айнан қайси “Қадимги қайдлар” эканлиги аниқ эмас. Иккинчи ҳикоя тўлалигича Бань Гунинг “Илк Хань тарихи”дан (милодий I аср), учинчи ҳикоя Чэнь Шоунинг “Уч подшолик тарихи”дан (милодий III аср) ўзлаштирилган, лекин қадимги хитой асарларига ишоралар тез орада тугайди ва Ирён ҳозиргача етиб келмаган корейс адабиёти намуналаридан олинган ривоятларни баён этишга киришади, кейинроқ бориб эса уларга ишора қилишни ҳам тўхтатади. Асарнинг бу қисмида Ирён ўз баёнида эркинроқ бўлиб, асосан оғзаки ривоятларга таянади. У мазкур ривоятларни мумкин қадар аниқ баён этишга ҳаракат қилган. Муайян ривоятнинг турли вариантлари маълум бўлган ҳолларда Ирён буни ўз изоҳларида қайд этиб ўтган. Масалан, подшо Пичхо комунга ғилофига қандай қилиб ўқ узгани ҳақида ҳикоя қилаётиб, Ирён бирдан ҳикояда узилиш ясайди ва: “Яна ривоят қилишларича...”, деб, итодат хонага кетаётиб йўлда каламушлар подасига дуч келган ўзга подшо ҳақидаги бошқа ривоятни баён қилади. Ирён (унгача Ким Бусик)

қўлёзмага киритган бундай изоҳларга кўра биз у ўз асарида ёзма ривоятлардан ҳам, оғзаки ривоятлардан ҳам фойдаланган деб тахмин қилишимиз мумкин.

Аммо Ким Бусик ҳам, Ирён ҳам ўз она корейс тилида эмас, балки умумминтақавий адабий тилда ижод қилганлар. Бу тил Хитойда вэньянь, Корейда – ханмун, Японияда – камбун, Вьетнамда – ханван деб аталган. Бунинг замирида қадимги хитой тили грамматикасининг меъёрлари ётувчи тил бўлган. Бу тилда ҳеч ким сўзлашмаган. Унда фақат ёзилган. У аниқ, образли бўлган, лекин маҳаллий (масалан, корейс) ўзига хосликлар ва номларни ифодалашга доим ҳам тўғри келиш. Бу тил маҳаллий шеванинг, айниқса диалогнинг ёки халқ лапарларининг ўзига хос жиҳатларини, уларнинг жозибадорлигини ифодалашга қодир бўлмаган. Нохитойча исмларни ифодалашда ҳам жиддий қийинчиликлар туғилган. Айрим ҳолларда фақат исмнинг талаффузини ифодалашга ҳаракат қилиниб, улар дуч келган иероглиф билан ёзилган, баъзи бир муаллифлар иероглифларни танлашда исмнинг талаффузини ҳам, этимологиясини ҳам акс эттиришга ҳаракат қилганлар. Масалан, бу китобда биз Чумон исмига дуч келамиз – иероглиф ёзувидан таржимада у “Қизил чирмовуқ” ёки “Қизил ақлга номувофиқ” (?) деган маънони англатади, амалда эса “чавандоз мерган” деган маҳаллий пуёча сўз бўлиб чиқади. Чумоннинг бошқа бир исми – Тонмён билан боғлиқ ҳолда эса бутунлай бошқача вазиятга дуч келиш мумкин. Бу исм иероглиф ёзувидан таржимада Шарқдан Нур деган маънони англатади. Олимлар тахминича, айти ҳолда исм этимологияси ва талаффузи бир хилда аниқ берилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Буддизм: история и культура. (Сборник статей.) М., 1973
2. Бутин Ю.М. Корея: от Чосона к Трем государствам (II в. До н.э. - IV в.). Новосибирск, 1984
3. Джарылгасинова Р.Ш. Этногенез и этническая история корейцев. М. 1979
4. Еременко Л.Е. Иванова В.И. Корейская литература. М., 1964
5. Записки о добрых деяниях и благородных сердцах. Л., 1985
6. История Кореи. С древнейших времен до наших дней. М. 1974
7. Ким Бусик. Самгук саги. Разные описания. Биографии / Пер., вступ. статья, коммент., приложения под общей редакцией М.Н. Пака и Л.Р. Концевича. М., 2002
8. Корея. Справочник. Корейская служба информации для зарубежных корейцев. Сеул, Изд-во «Самхва притинг» 1993
9. Троцевич А.Ф. Миф и сюжетная проза Кореи. СПб., 1996
10. Cho Dong-il, Daniel Bouchez. Histoire de la literature coreenne des origins a 1919. Librairie Artheme Fayard. 2002
11. Walraven B.C.A. Muga: The Songs of Korean Shamanism. Dordrecht. 1985

ХИТОЙ ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАСНИФИ

Озодбек Очилов,
стажер-тадқиқодчи

Халқ қўшиқлари инсоният тарихида энг эрта пайдо бўлган санъатлардан биридир. Бошқа халқлар фольклорида бўлгани каби, хитой халқ қўшиқларида ҳам оддий халқнинг ҳаёт учун кураш, табиатни бўйсиндириш истаги, ўз меҳнат маҳсулидан хурсандлик туйғулари, илоҳлардан ўзига паноҳ ва бахт сўраб қилган муножотларини ифодалаш билан бевосита боғлиқ деб, айтиш мумкин. Хитой фольклори узоқ тарихига эга бўлсада, аммо халқ қўшиқларни куйлаш Юан (1206-1368 й.), Минг (1368-1644 й.), Чинг (1616-1911 й.) сулолалари даврида таъқиқлаб қўйилганлигини эътироф этиб ўтмоқ керак. Шу сабабдан ҳам халқ қўшиқлари ёритилган тарихий ёзма манбалар кам миқдорда сақланиб қолган ⁷⁸. Археологик қазилмаларда мусиқа асбоблари кўплаб топилган бўлсада, бироқ, қўшиқ куйлаш жараёни акс этган тарихий буюмлар миқдори саноклидир. Чингхай (青海)нинг Датонг (大通) уездида олиб борилган қазилмалар чоғида топилган сопол идишда бундан олти минг йиллар аввалги матриархат жамияти давридаги бир диний маросимда одамларнинг рақс тушиб қўшиқ куйлаётган жараёни тасвирланган. Ёзма ёдгорликлардан бири 《Хуайнанзи》 (《淮南子》)да қадимги кишиларнинг ёғочларни ташиш пайтида куйлайдиган махсус хонишлари бор эди, деб ёзади ⁷⁹. Бундан кўринадики, халқ

⁷⁸<http://baike.baidu.com/view/109720/htm>

⁷⁹ 《淮南子》 асари Ғарбий хан сулоласи даврида Хуайнан давлати хукмдори Лю Ан бошчилигида ёзилган илмий-фалсафий асар. Асарда асосан Дао таълимоти ғоялари илгари

қўшиқларининг пайдо бўлиши меҳнат билан бевосита боғлиқ жараёндр. Шунингдек, Хитойда истиқомат қилувчи кам сонли миллатлар, хусусан, Ўао миллатининг 《Панвангги》 (《盘王歌》), мяоларнинг 《Гуги》 (《古歌》), манжурларнинг 《Шомон》 (《萨满调》) каби қўшиқларига эътибор қаратилса, халқ қўшиқларининг тамаддуни диний маросимлар билан ҳам чамбарчас боғлиқ эканлигига амин бўламиз. Қадимги хитой манбаларининг гувоҳлик беришича, халқ қўшиқлари икки йўл билан, ёзма ва оғзаки равишда авлоддан – авлодга ўтиб ҳозирги кунга қадар яшаб келмоқда. Хитойда қадимги хитой халқ қўшиқларини ёзма равишда жамлаш XIX асрнинг охирларига келиб кучайди⁸⁰. Таҳрир ва нашр ишлари фақат ХХР (Хитой Халқ Республикаси) ташкил топгандан кейин амалга оширила бошлади⁸¹.

Хитойда яратилган энг қадимги халқ қўшиқлари “Назмнома”⁸² (《诗经》)нинг 《Гуофэнг》 (《国风》) яъни 《Бекликлар қўшиқлари》 бўлимига киритилган, ўз ичига шимолий 15 та ҳудуднинг Ғарбий Жоу подшолиги⁸³ дан то Баҳор-Куз давлатлари⁸⁴ давригача бўлган, бизнинг эрамиздан

сурилган. / 《辞海》上海：上海此书

出版社，1999 年

⁸⁰<http://baike.baidu.com/view/109720/htm>

⁸¹Қўрсатилган манба

⁸²Шижинг(诗经). Ғарбий Жу подшолигинингбошланғич давридан Баҳор-Куз давлатларининг ўртасигача бўлган 500 йиллик шеър ва қўшиқлар тўплами. Бу тўплам ўзбек тилида “Назмнома” шаклида олинди. Назмнома қадимги Хитой тарихида Конфуций ва унинг шогирдлари томонидан таҳрир қилиниб қайта ишланган.

⁸³西周: милл.авв.1046-771 йиллар

⁸⁴春秋: милл.авв. 722-486 йиллар

аввал тахминан 500 йиллар атрофида пайдо бўлган халқ қўшиқларини қайраб олади. Қадимги хитой қўшиқларининг ўзига хос жиҳати барча воқеа – ҳодисаларнинг реал тарзда акс эттирилганлигидадир.

《 古風 》 (《 国风 》) бўлимидаги қўшиқларнинг аксариятида амалдорларнинг турли хил хуфёна кирдикорлари очиб ташланган ва уларга нисбатан норозилик руҳияти билан суғорилганлигини, оддий халқ турмуш тарзидаги баъзи ҳолатларни кузатишимиз мумкин. Масалан, 《 伐檀 》 (《 Ёғоч кесмоқ 》) қўшиғида аччиқ киноя ва қарғиш сўзлар ёрдамида амалдорларнинг текинхўрлиги қораланади; 《 碩鼠 》 (《 Катта сичқон 》) қўшиғида эса амалдорлар синфининг сичқонлардек еб тўймаслиги, очкўзлиги ҳамда тайёрига айёрлиги қаттиқ танқид қилинади.

Милоддан аввалги IV асрларга келиб, Чу давлати халқининг фольклор қўшиқлари жамланиб, алоҳида тўплам шаклига келтирилди ва у тўпламга 《 楚辭 》 (《 楚辞 》) деб ном берилди. Ўша даврда яшаб ижод этган шоир Чюй Юан ушбу тўпламга киритилган кўплаб шеър ва қўшиқларни тартибга солиб қайта ишлади. 《 楚辭 》 тўпламининг ўзига хос томони шеърларга турли хил афсона, ривоятлар мотивларининг сингдирилганлиги ва оддий халқ ҳаёлий орзуларининг акс этганлиги ҳамда романтизм хусусиятларига бой эканлиги билан белгиланади. Ушбу ўринда “Назмнома”да тўрт бўгинли шеър шакли қўлланилган бўлса, 《 楚辭 》 га киритилган шеърларнинг вазни ҳамда шакли эркинлашганлигини айтиб ўтиш лозим.

Хусусан, Ғарбий Хан сулоласи императори Хан Уди (汉武帝) ҳукмронлиги даврига келиб қадимги Хитой қўшиқларини

ўрганадиган махсус бошқарма тузилади. Халқ қўшиқларини йиғиш, тартибга солиш, қайта ишлаш ҳамда уларни бир тўплам шаклига келтириш бошқарманинг зиммасига юклатилган. Кейинчалик бу хитой адабиёти тарихида “Сарой назмлари” (“乐府诗”, “乐府”) номини олди. “Сарой назмлари”га Жун, Чангжянг дарёларининг қуйи оқимида ва Сарик дарёнинг ўрта оқимларида яшовчи халқларнинг қўшиқлари киритилган бўлиб, бу қўшиқларининг аксарида меҳнаткаш халқнинг огир меҳнати, муҳаббат ва нафрати ҳамда феодал жамиятнинг турли адолатсизликлари очик-ойдин тасвирланган. Тўпламдаги шеър шаклларига тўхталадиган бўлсак, бу даврга келиб шеърый шакллар ривожланиб, узун-қисқа мисрали шеър (长短句), беш бўғин ва етти бўғинли шакллар урфга айланди, шу қаторда уларга ўша даврнинг машҳур бастакори Ли Яннян (李延年) томонидан мусиқа басталаш ишлари йўлга қўйилганлиги алоҳида аҳамиятга эга⁸⁵. “Товуснинг шимолий-шарқ томон парвози” (《孔雀东南飞》), “Муланнинг ҳарбий бўлиши” (《木兰从军》) каби лирик мусикий дostonларнинг юзага келиши ўша давр халқ қўшиқларининг узлуксиз равишда ривожланиб, маълум бир даражага етganлигининг ўзига хос натижаси сифатида намоён бўлади.

Шимол-жануб сулоласи даври (420-589 й.) ўша замон хитой ҳудудида яшовчи кўплаб миллатларнинг ўзаро ҳамжиҳатликка кела бошлагanлиги билан характерлидир. Бу даврда халқ қўшиқлари “Жанубликларнинг халқ қўшиқлари” (南朝民歌) ва “Шимолликларнинг халқ қўшиқлари” (北朝民歌) каби иккита

⁸⁵ 游国恩、王起等《中国文学史》北京：人民文学出版社，1984年，第156页

катта гуруҳга бўлинган эди ⁸⁶. Шимолликларнинг халқ қўшиқларида жўшқинлик ва мардоналик, жасурлик ва ботирлик куйланган бўлса, жанубликларнинг қўшиқлари нозик, шўхчан эканлиги билан ажралиб туради.

Танг (618-907 й.) ва Сунг (960-1279 й.) сулолалари даврида, айниқса, Танг сулоласининг гуллаб яшнаган даврида маданият, илм-фан ва бошқа бир қатор соҳалар ривожланиб, ҳудудий яқин бўлган ўзга халқларнинг маданияти, хусусан, куй-қўшиқ каби санъат турлари кенг қўламда кириб кела бошлади ва бу Танг сулоласининг нафақат куй-қўшиқларига, балки мусиқа асбобларининг хилма-хиллигига ҳам ўзининг улкан таъсирини кўрсатди, натижада Танг даври мусиқа санаъти юксак даражада ривожланди. Бу даврда 《竹枝歌》 (“Бамбук шохчалари қўшиғи”) деб номланувчи қўшиқларни куйлаш урф бўлган эди. Бундай қўшиқлар асосан муҳаббат ҳақида бўлиб, Чангжянг дарёсининг ўрта ва юқори оқимларида яшовчи халқлар орасида эркин тарзда куйланувчи лирикавий тоғ қўшиқларининг пайдо бўлиши ва ривожланишига катта ҳисса қўшди. Шунингдек, Танг даврининг таниқли шоирларидан Лю Юйсэ (刘禹锡) ва Бай Жюй-э (白居易) ларнинг бир қатор шеърларида бундай халқ қўшиқларининг кўплаб омилларини кузатиш мумкин. Ҳозирда ҳам Сичуан провинциясининг шарқий ҳудудларида истиқомат қилувчи халқлар фольклорида “Бамбук шохчалари қўшиқлари” туркумидаги қўшиқлар мавжуд. Шунини ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Танг даврида Марказий Осиё билан маданий алоқалар айниқса кучайди. Манбаларда Тошкент, Самарқанд, Бухородан келган юзлаб санъаткорлар Танг империясининг пойтахти Чанганда ўз ижроларини намоиш қилишгани ҳақида маълумотлар мавжуд.⁸⁷

⁸⁶ Ҷуша манба –Б.253.

Сунг даврида “Чюйци” (“曲词”) жанри тараққий этган бўлиб, ўша пайтда бу жанр халқ қўшиқларининг янгича бир шакли эди.

1221 йили мўғиллар Хитой ҳудудларини босиб олди ва бу ерда улар Юан сулоласини тузди. Мўғиллар ҳукмронлиги даврида ерлик аҳоли ўз бошидан ўта машаққатли ва оғир кунларни кечирди. Бу пайтда “Сяолинг” (“小令”) деб номланган халқ қўшиқларининг янги шакли урфга кирди. “Сяолинг” (“小令”) қўшиқларининг мазмуни асосан ҳукмрон сулоланинг шавқатсизлиги, адолатсизлиги ҳақида бўлиб, улар каттиқ танқид ва киноя остига олинган. Ҳозирда Хитойнинг шимолий-ғарбида яшовчи халқларнинг “Линг” (“令”) деб номланувчи тоғ қўшиқлари айнан унинг кўринишидир. “Сяолинг” (“小令”) қўшиқлари оз миқдорда бўлса—да бизнинг кунларгача етиб келди. Бунга сабаб сифатида ҳукмрон сулоланинг бундай қўшиқларни хушламаганлиги ва уларни куйлаш қатъиян таъқиқлаб қўйилганлиги кўрсатилади.

Хитой фольклор қўшиқларининг туркум ва минтақаларга бўлиниши

Хитой фольклор қўшиқлари мазмунига кўра 6 та туркумга бўлинади:

1. Меҳнат қўшиқлари;
2. Ҳукуматга аталган қўшиқлар;
3. Маросим қўшиқлари;
4. Ишқий қўшиқлар ;
5. Болалар қўшиқлари;
6. Ҳаёт тарзи куйланган қўшиқлар.

⁸⁷Классическая проза дальнего востока. —М.:Художественная литература, 1975. —С 25.

Хитой Халқ Республикаси ҳудудида яшовчи миллатларнинг маданий ўзига хослиги ва халқ қўшиқлари услубининг ранг баранглигига кўра хитой фольклор қўшиқларини қуйидаги ўзига хосликка эга бўлган етти минтақага ажратилади:

1. Шимол халқ қўшиқлари минтақаси. Ушбу ҳудудга асосан ҳозирги Ички Монголия автоном районида яшовчи монголларнинг халқ қўшиқлари киради. Монгол халқ қўшиқлари “чўзиқ оҳангли” (“长调”) ва “қисқа оҳангли” (“短调”) деб номланувчи иккита катта гуруҳга ажратилади. “Чўзиқ оҳангли” қўшиқлар асосан ички Монголиянинг шарқий ва Енгишан ҳамда Бэйдэ ҳудудларида кенг тарқалган бўлиб, унинг ўзига хослиги сўзлар кам, аммо чўзиқ ва жарангдор оҳангда айтилади, махсус либослар кийилган ҳолда куйланади, ритми эса эркин. Чорвачилик, Юрт соғинчи ва мадҳия туркумидаги халқ қўшиқлари чўзиқ оҳангда куйланувчи қўшиқлар гуруҳига мансубдир. «Кенг даштлар» (《辽阔的草原》), «Чўпон қўшиғи» (《牧歌》) кабилар ушбу гуруҳга кирувчи машҳур қўшиқлардан ҳисобланади. “Қисқа оҳангли” қўшиқлар эса ғарбий ва жанубий ҳудудларга хос бўлиб, ритми қатъий қонун қоидага асосланган. Кўплаб балладалар, муҳаббат қўшиқлари ва турмуш қуриш маросимлари билан боғлиқ қўшиқлар айнан “қисқа оҳангли” қўшиқлар гуруҳига киради. Бу гуруҳга кирувчи қўшиқлардан «Синжид тулпори» (《森吉德马》), «Қулунча» (《小黄马》)⁸⁸ кабилар айниқса машҳурдир.

2. Ғарб ислом маданияти таъсирида яралган уйғур халқ қўшиқлари минтақаси. Бу ҳудуд халқ қўшиқлари Шинжон уйғур автоном районида яшовчи уйғур, ўзбек, қозоқ, қирғиз каби миллатларнинг фольклор қўшиқларидан иборат. Бу

⁸⁸<http://baike.baidu.com/view/109720/htm>

миллатлар санъат бобида тарихдан донг таратиб келишган. Ушбу минтақанинг халқ қўшиқларида зардўштийлик ва ислом дини маданиятининг таъсири яққол кўзга ташланади. Бу минтақа қўшиқлари асосан “муҳаббат қўшиқлари”, “меҳнат қўшиқлари”, “тарихий қўшиқлар” ва “урф-одат қўшиқлари” деб номланувчи тўртта катта турга бўлиб ўрганилади⁸⁹.

3. Ғарб буддизм маданияти таъсирида яралган тибет халқ қўшиқлари минтақаси. Бу минтақа ўз ичига Тибет автоном райони, Чингхай провенцияси ҳамда Сичуан провенциясининг занг миллати яшовчи ҳудудларни ўз ичига қамраб олади. Тибет халқ қўшиқлари тоғ қўшиқлари (чорвачилик қўшиқлари), меҳнат қўшиқлари, муҳаббат қўшиқлари, урф-одат қўшиқлари ва мадҳия қўшиқлари каби бешта катта турга бўлинади⁹⁰. Халқ қўшиқларини ижро этиш асосан буддизм динининг байрамлари билан узвий боғлиқ бўлиб, бу қўшиқларнинг қўпчилиги рақс билан ҳамохангликда ижро этилади. Масалан, “Нангма” (“囊玛”), “Дуйшиє” (“堆谢”), “Гуошиє” (“果谢”), “Гуочжуанг” (“锅庄”) каби қўшиқ ва рақслар бунга мисол бўла олади. Тибет халқ қўшиқларининг ўзига хослиги самимийлик, кўтаринкилик, кувноқлик, таъсирчанлик ва ритм қатъий қоидаларга асосланиши каби омиллар билан белгиланади.

4. Жанубий Ғарбда яшовчи миллатларнинг қадимий халқ қўшиқлари минтақаси. Юннан, Гуйчжоу, Гуангсэ каби првенцияларнинг кам сонли миллатлар яшовчи ҳудудлари ушбу минтақага мансуб. Бу ҳудудларда ҳозирда 20дан ортиқ кам сонли миллат вакиллари истиқомат қилади⁹¹. Уларнинг халқ қўшиқлари ўзида турли қатламларнинг қадимий маданиятини ўзида акс эттиради ҳамда улар асосан рақслар

⁸⁹Кўрсатилган манба

⁹⁰Кўрсатилган манба

⁹¹王灿：中国民族.五洲传播出版社，北京：2004年，第22页

билан бирга ижро этилади. Минтақада баъзи бир миллатлар ёзувининг йўқлиги халқ қўшиқларининг чинакам қимматли тарихий солнома даражасига кўтарди⁹². Бу халқларнинг қўшиқлари орқали уларнинг маданияти, тарихи, ўзига хос дунёқараши, фикрлаш тарзи ҳақида кўплаб маълумотларга эга бўлиш имконияти мавжуд. Ушбу минтақанинг халқ қўшиқлари “Катта қўшиқ” (“大歌”) ва “Кичик қўшиқ” (“小歌”) деб номланувчи иккита катта турга ажратилади. Катта қўшиқлар айниқса Донг, Буэ, Чжуанг каби миллатлар орасида кенг ўрин тутати ва улар эркакалар ижроси, аёллар ижроси, болалар ижроси каби уч хил кўринишга эга⁹³. Кичик қўшиқларининг бош мавзуси севги-муҳаббатдан иборат бўлиб, одатда ёш йигит ва қиз томонида хона ичида паст ва енгил овозда куйланади. Бундан ташқари қадимий қўшиқлар ҳам мавжуд бўлиб, бундай қўшиқлар Мяо миллати фольклорида узоқ тарихга эгалиги билан ажралиб туради⁹⁴. Мазмуни асосан ер ва осмоннинг яралиши, инсониятнинг ибтидоси кабилардан иборат ва бу қўшиқларнинг ижроси ифодали ўқиш тарзида бўлиб, кексалар томонидан ижро этилади.

5. Шимолий Шарқ Шомонлик динининг таъсирида юзага келган ов қилиш маданияти билан боғлиқ халқ қўшиқлари минтақаси. Шимолий Шарқ минтақасининг халқ қўшиқлари шомонлик дини таъсирида бўлган маданиятини ўзида акс эттиради. Элунчунлар (эвенк, гулд, дағур, манжур каби халқларнинг умумий аталиши) қўшиқ ва рақси хуш кўрувчи ҳисобланади. Қадимда овчилик билан ҳаёт кечирган элунчунлар ҳар сафар овлари бароридан келиб қайтганларида ёки байрамларда қўшиқ куйлаб, рақсга тушган ҳолда хурсандчилик қилишган. Уларнинг халқ қўшиқлари уч турга бўлинади: 1. Тоғ қўшиқлари, 2. Рақс қўшиқлари 3. Шомонлик

⁹²<http://baike.baidu.com/view/109720/htm>

⁹³Кўрсатилган манба

⁹⁴Кўрсатилган манба

қўшиқлари⁹⁵. Ўз ўрнида тоғ қўшиқлари “гўзиқ одангли” (“长调”) ва “қисқа оҳангли” (“短调”) деб номланувчи иккита гуруҳга ажратилади. “Чўзиқ оҳангли” қўшиқлар жарангдор баланд овоздава ритми эркин тарзда куйланган бўлса, “қисқа оҳангли” қўшиқларнинг оҳанги сокин, маълум бир ритмга асосланган. Шомонлик қўшиқлари шомонлик дини билан боғлиқ урф-одатларни амалга ошириш жараёнида махсус куйланган.

6. Шимолий Ғарб баландликларида яшовчи миллатларнинг деҳқончилик ва чорвачилик маданияти билан боғлиқ халқ қўшиқлари минтақаси. Бу минтақа ўз ичига Гансу, Чингхай провенциялари ҳамда Нингся автоном районининг ханлар, хуйлар, тулар, саларлар, баоанлар, дунганлар, занглар, каби миллат вакиллари яшовчи ҳудудларини қамраб олади. Бу ҳудудларнинг аҳолисига ярим чорвачилик ва ярим деҳқончилик маданияти хос бўлиб, тарихдан “Буюк ипак йўли”⁹⁶ да муҳим аҳамиятга эга эди. Шарқ ва Ғарб маданиятлари бу ерларда анча эрта ўзаро ҳамоҳангликка келди ва турли халқлар маданияти бир-бирлари билан қоришиб кетдики, буни саккизта миллат вакилларига ҳам бирдек тегишли бўлган “Хуар” (“花儿”) яъни, “Гуллар” халқ қўшиғи орқали ҳам яққол кузатишимиз мумкин. Бу минтақа қўшиқлари “Оилавий қўшиқлар” (“家曲”) ва “Дала қўшиқлари” (“野曲”) деб номланган иккита катта гуруҳга ажратилади⁹⁷. “Оилавий қўшиқлар” ўз ўрнида “шароб қўшиқлари”, “хурсандчилик қўшиқлари”, “экин қўшиқлари” каби қисмларга ажратилса, “Дала қўшиқлари” таркибига “тоғ қўшиқлари”, “чорвачилик қўшиқлари” кабилар қиради.

⁹⁵Кўрсатилган манба

⁹⁶Кўрсатилган манба

⁹⁷Кўрсатилган манба

7. Марказий ва денгиз бўйи ҳудудларида яшовчи ханларнинг қадимий анаънавий маданияти билан боғлиқ халқ қўшиқлари минтақаси. Ханларнинг халқ қўшиқлари минтақаси Шимолдан Жанубга, шимолий-ғарб ва жанубий-ғарб даштларидан шарқий денгиз бўйи ҳудудларигача бўлган ерларни қамраб олган бўлиб, бу ҳудудларда истиқомат қилувчи ханларнинг географик шароити, урф-одатлари, турмуш тарзи, ишлаб чиқариш хўжаликлари турличадир. Уларнинг сўзлашув тили хитой тили (汉语 — хан тили) ҳисобланса-да, аммо, шевалар орасида катта фарқ мавжуд⁹⁸. Бу фарқ шу даражада-ки, бир шева вакили бошқа бир шева вакилини тушуниш имкониятига дярли эга эмас. Юқоридаги сабабларга кўра хан халқ қўшиқлари минтақаси куйидаги 10 та асосий ва битта махсус ҳудудларга ажратилади:

(1) Шимолий-шарқий паст текисликлар ҳудуди. Бу ҳудуд ўз ичига Шандонг, Хэбей, Хэнаннинг шимолий шарқий қисми, Жянгсунинг шимолий қисми каби Хуанг дарёсининг куйи оқимидаги ерларни ва шунингдек, Ляонинг, Жилин, Хэйлонгжянг каби учта провенцияларни қамраб олади⁹⁹. Хуанг дарёсининг куйи оқими қадимдан маданият нисбатан ривож топган ҳудуд ҳисобланади. Бу ҳудуднинг халқ қўшиқлари шимолий лаҳжада куйланиб, шяодяо қўшиқлари муҳим ўринга эга. Кўп куйланувчи халқ қўшиқлари сифатида “Карамча” (《小白菜》), “Жянгмэнг тоғи” (《沂蒙山小调》), “Елпигич юзига расм солмоқ”(《画扇面》) кабиларни санаб ўтиш мумкин.

(2) Шимолий-ғарбий даштликлар ҳудуди. Бу ҳудудга Шансэ, Шаансэнинг катта қисми, Хэнаннинг шимолий ғарбий қисми ва ички Монголия, Гансу, Чингхай, Нингся каби

⁹⁸ХХРда ҳозиргача 7 йрик шевалар мавжуд.

⁹⁹Кўрсатилган манба

провенция ва автаном районларнинг ханлар яшовчи вилоятлари киради. Қўшиқлар хитой тилининг шимолий ғарбий шеvasи асосида куйланиб, “Ғарбий ўлка сари”, “Мовий гуллар”, “Беш оға ини қўй боқди”¹⁰⁰ каби халқ қўшиқлари айниқса машхур.

(3) **Жун дарёси делтаси ҳудуди.** Жун дарёсининг делтаси, Анхуйнинг катта қисми, Хэнаннинг жанубий шарқи. Бу ҳудуд халқ қўшиқлари шимолий лаҳжада куйланиб, мусиқа борасида Шимол ва Жанубга хос омилларнинг ўзаро ҳамоҳангликка келганлигини кузатиш мумкин. “Гул дўмбира” (《凤阳花鼓》), “Уч опа сингил бозорга чикди” (《王三姐赶集》), “Дон янчиш ” (《打麦歌》)¹⁰¹ каби қўшиқлар ҳудудда кўп куйланади.

(4) **Жянгчжи паст текисликлари ҳудуди.** Жангсунинг жанубий қисми, Шангхай, Жижянгнинг катта қисми, Чангжянг дарёсининг куйи оқими. Қўшиқлар У лаҳжасида ижро этилади. “Қора бамбук” (《紫竹调》), “Вушэ манзараси” (《无锡景》), “Жасмингул” (《茉莉花》), “Кушларга” (《对鸟》)¹⁰² каби қўшиқлари Хитойда машхур ҳисобланади.

(5) **Фужян ва Тайван халқ қўшиқлари ҳудуди.** Фужяннинг катта қисми, Тайван, Фуангдонгнинг Чаошан ҳудуди. Қўшиқлар миннан лаҳжасида куйланади. Кўп куйланадиган қўшиқлар: “Чой териш” (《采茶扑蝶》), “Чой терувчи бола” (《天鸟鸟》)¹⁰³ ва бошқалар.

¹⁰⁰Кўрсатилган манба

¹⁰¹Кўрсатилган манба

¹⁰²Кўрсатилган манба

¹⁰³Кўрсатилган манба

(6) Юэ халқларининг халқ кўшиқлари ҳудуди. Гуандонгнинг катта қисми, Гуангсэнинг жануби, Хайнан ороли. Кўшиқлар юэ лаҳжасида ижро этилади. Қадимда бу ҳудудда балиқчилар жамиятнинг муҳим қисми ҳисобланганлиги сабаб балиқчилик билан боғлиқ халқ кўшиқлари кўп учрайди.

(7) Жянғхан пасттекисликлари ҳудуди ; Хубэй, Хэнаннинг жанубий ғарбий қисми. Кўшиқлар Сэнан лаҳжасида куйланади. “Тўрт опа сингил” (《黄四姐》), “Хўнғхуда балиқ тутиш” (《洪湖渔歌》) каби кўшиқлари машҳур.

(8) Шянг ҳудуди ; Хунан ва Гуангсэнинг шимолий шарқидаги бир нечта уездлар. Ушбу ҳудуд лаҳжалар ва шеваларнинг кўплиги билан ажралиб турсада, кўшиқлар асосан шянг лаҳжасида ижро этилади. Машҳур кўшиқлари: “Нилуфар гул” (《一塘荷花一塘莲》), “Сичуанга йўл олмоқ” (《上四川》) ва бошқалар.

(9) Ган ҳудуди ; Бу ҳудудга асосан Жянгсэнинг ўрта, шимолий ва шарқий қисмлари киради. Кўшиқлар ган лаҳжасида куйланади. “Каккугул очилди” (《杜鹃花开》), “Чой терими” (《摘茶籽》) каби кўшиқлари Хитойда машҳур ҳисобланади.

(10) Жанубий-ғарбий даштликлар ҳудуди; Сичуан, Юннан, Гуйжоу, Шаннан ва Гунгсэнинг шимолий ғарбий қисми. Кўшиқлар Сэнан лаҳжасида ижро этилади. Машҳур кўшиқлари: “Дарёчада сув оқар” (《小河淌水》), “Атиргул

качон очилар”(《槐花几时开》), “Мен Гуйжоунинг Гуйянгида яшайман”(《我住贵州贵阳府》)¹⁰⁴ ва бошқалар.

(11) Кэжя махсус худуди.Кэжя халқи кенг худуд бўйлаб тарқалган бўлиб, уларнинг умумий сони 80 мил.дан ортиқроқни ташкил қилади. Кэжя халқи асосан Гунгдонгнинг шимолий шарқий қисми, Фужяннинг жанубий гарби, Жянгсэнинг шарқий қисмида яшашади. Қўшиқлар кэжя лаҳжасида ижро этилади. Машҳур қўшиқлари: “ Қизил чироқлар”(《灯红歌》), “Бамбук барглари елпир шамол ” (《风吹竹叶》) ва бошқалар.

Шунингдек, бу минтақа қўшиқлари мавзусига кўра куйидаги 10 та катта турга ажратилади: меҳнат қўшиқлари, тоғ қўшиқлари, шяодяо қўшиқлари, дала қўшиқлари, балиқчилик қўшиқлари, чой қўшиқлари, кўчат экиш қўшиқлари, урф-одат қўшиқлари, болалар қўшиғи, алла қўшиқлари.

Хитойда кенг тарқалган фольклор қўшиқларининг номлари:

1. 茉莉花 mòlihuā
2. 青藏高原 qīngzàngāoyuán
3. 东方红 dōngfānghóng
4. 南泥湾 nánniwān
5. 在那遥远的地方 zàinà yáoyuǎndedìfang
6. 成都印象 chéngdōuyīnxiàng
7. 走西口 zǒuxīkǒu
8. 草原之夜 cǎoyuánzhīyè

¹⁰⁴Кўрсатилган манба

9. 康定情歌 kāngdìngqínggē
10. 你的眼神 nǐdeyǎnshén
11. 赞歌 zàngē
12. 好日子 hàorizi
13. 摇篮曲 yáolánqǔ
14. 十送红军 shísònghóngjūn
15. 敖包相会 áobāoxiānghuì
16. 阿里山的姑娘 ālishāndegūniang
17. 远方的客人请你留下来 yuǎnfāngdekèrénqǐngmǐliúxiàlái
18. 乌苏里船歌 wūsūlǐchuángē
19. 月光下的凤尾竹 yuèguāngxiàdefèngwěizhú
20. 牧歌 mùgē
21. 美丽的草原我的家 měilidecǎoyuánwǒdejia
22. 吐鲁番葡萄的熟了 tǔlǔfāndepútaoshóule
23. 出塞曲 chūsāiqǔ
24. 阿拉木汗 ālāmùhàn
25. 北京的金山上 běijīngdejīnshānshàng
26. 北国之春 běiguózhīchūn
27. 蒙古人 měnggǔrén
28. 小河淌水 xiǎohétǎngshuǐ
29. 草 原 上 升 起 不 落 的 太 阳
cǎoyuánshàngshēngqǐbúlùòdetàiyáng
30. 洪湖水浪打浪 hónghúshuǐlàngdǎlàng

31. 半个月亮爬上来 bàngèyuèliangpáshànglái
32. 新疆好 xīnjiānghǎo
33. 北风吹 běifēngchuī
34. 浏阳河 liúyánghé
35. 珠穆朗玛 zhūmùlǎngmǎ
36. 思 sī 乡曲 xiāngqǔ
37. 蝴蝶泉边 húdiéquánbiān
38. 美丽姑娘的 měilidegūniang
39. 在那桃花盛开的地方 zài nà táo huā shèng kāi de dì fāng
40. 边疆处处赛江南 jìbiānjiāngchùchù sài jiāngnán
41. 三十里铺九九艳阳天 sānshílǐpǔjiǔjiǔ yànyángtiān
42. 紫竹调 zǐzhúdiào
43. 谁不说俺家乡好 shuí bùshuōǎn jiāxiāng hǎo
44. 长城谣 chángchéng yáo
45. 山丹丹开花红艳艳 shāndān dān kāihuā hóngyànyàn
46. 兰花花 lán huāhuā
47. 草原夜色美 cǎoyuán yèsè měi
48. 月亮走我也走 yuèliang zǒu wǒ yě zǒu
49. 龙船调 lóngchuán diào
50. 想亲亲 xiǎng qīnqīn
51. 星星索 xīngxīngsuǒ
52. 在银色的月光下 zài yínsèdeyuèguāngxià

- 53. 深深的海洋 shēn shēnde hǎiyáng
- 54. 小白菜 xiǎobáicài
- 55. 回娘家 huíniángjiā
- 56. 毕业歌 bìyè gē
- 57. 凤阳花鼓 fèngyánghuāgǔ
- 58. 黄土高坡 huángtǔ gāopō
- 59. 乡恋 xiāngliàn
- 60. 走进西藏 zǒujìn xīzàng
- 61. 对花 duìhuā
- 62. 请到天涯海角来 qǐngdào tiānyá hǎijiǎo lái
- 63. 花儿与少年 huāér yǔshàonián
- 64. 八月桂花遍地开 bāyuèguìhuābiàn dì kāi
- 65. 采槟榔 cǎi bīnglang
- 66. 采红菱 cǎi hóng líng
- 67. 沂蒙山小调 yí méngshān xiǎodiào
- 68. 渔光曲 yúguāng qǔ
- 69. 小背篓 xiǎo bēilǒu
- 70. 太阳岛上 tàiyáng dǎoshàng
- 71. 毛主席的光辉 máozhǔxídeguānghuī
- 72. 送情郎 sòng qíngláng
- 73. 高天上流云 gāo tiānshàngliúyún
- 74. 森吉德玛 sēn jíe mǎ

75. 孟姜女 mèngjiāngnǚ
76. 二月里来 èryuè lǐ lái
77. 牡丹之歌 mǔdān zhī gē
78. 辣妹子 là mèizi
79. 冰山上雪莲 bīngshānshàng de dèxuělián
80. 有一个美丽的传说 yǒu yí gè měilidechuánshuō
81. 青春舞曲 qīngchūn wǔqǔ
82. 草原恋 cǎoyuán liàn
83. 达坂城的姑娘 dá bǎn chéng de gūniang
84. 天涯歌女 tiānyá gēnǚ
85. 下四川 xià sì chuān
86. 红豆词 hóngdòu cí
87. 马儿啊你慢些走 mǎér ā nǐ màn xiē zǒu
88. 花儿为什么这样红 huāér wèi shén me zhè yàng hóng
89. 月牙五更 yuèyá wǔ gēng
90. 马铃儿响来玉鸟唱 mǎ líng ér xiǎng lái yù niǎo chàng
91. 小放牛 xiǎo fàng niú
92. 逛新城 guàng xīn chéng
93. 人说山西好风光 rén shuō shān xī hǎo fēng guāng
94. 桃花红杏花白 táo huā hóng xìng huā bái
95. 亲疙蛋下河洗衣裳 qīn gē dàn xià hé xǐ yī shang
96. 大红公鸡毛腿腿 dà hóng gōng jī máo tuǐ tuǐ

97. 掀起你的盖头来 xiānqǐ nǐde gàitóu lái
98. 娃哈哈 wáhāhā
99. 太阳出来喜洋洋 tàiyángchū láixǐ yángyáng
100. 放马山歌 fàngmǎshāngē
101. 五指山歌 wúzhǐshāngē
102. 桔梗谣 júgěng yáo
103. 采茶扑蝶 cǎichá pūdié
104. 新货郎 xīn huòláng
105. 交城山 jiāochéngshān
106. 刮地风 guā dì fēng
107. 拥军秧歌 yōngjūn yāngge

Фойдаланилган адабиётлар:

1. 祁连休等，《中国民间文学史》河北：河北教育出版社，2008年
2. 王铭铭、番忠党，《象征与社会-中国民间文化的探讨》天津：天津人民出版社，1997年
3. 游国恩/萧涤非等《中国文学史》北京：人民文学出版社1978年
4. 《辞海》上海：上海辞书出版社，1999年
5. Классическая проза дальнего востока. —М.: Художественная литература, 1975.
6. <http://baike.baidu.com/view/109720.htm>

МУНДАРИЖА

КИРИШ СЎЗИ.....	3
ИМОМНАЗАРОВ М. АСОТИР, АФСОНА, ДОСТОН ЁХУД АДАБИЁТНИНГ УЧ ТУРИ ХУСУСИДА.....	5
МАННОНОВ А. М. АФҒОН (ПАШТУН) ХАЛҚИ ФОЛЬКЛОРИНИ ЎРГАНИШ ТАРИХИДАН.....	11
МУХТАРОВ Т. А. СКАЗОЧНАЯ ФАНТАСТИКА В АРАБСКОЙ СКАЗКЕ.....	38
МУҲИБОВА У. У. ХИНД ФОЛЬКЛОР АНЪАНАЛАРИ.....	47
САИДАЗИМОВА У. КОРЕЙС АДАБИЁТИ САРЧАШ- МАЛАРИДАН НАМУНАЛАР.....	54
ОЧИЛОВ О. ХИТОЙ ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАСНИФИ.....	63

ШАРҚ ҲАЛҚЛАРИ ФОЛЬКЛОРИ МАСАЛАЛАРИ

Илмий мақолалар тўплами

“TEZKOR-PRESS PRINT” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳар Фарҳод кўчаси 21-А уй.